



## ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Шу йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир, Судьялар олий кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, вилоят, туман ва шаҳар судлари судьялари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳудудий бўлиmlарни раҳбарлари, фахрийлар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келгани, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Куч — адолатда" деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришганини қайд этиб, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик

давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётганини таъкидлади. Бу борада давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамияти гоят катта. Бу ҳақиқатни биз бугунги кунда, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар жараёнида тибора чуқур ҳис этмоқдамиз, деди Президентимиз.

Йиғилишида истиқлол йилларида мамлакатимиз-

да суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва нуфузини ошириш, уни илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Бу борада ҳали ўз ечимини топмаган камчилик ва муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, муҳим амалий хулосалар чиқарилди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Т.И.ЖўРАЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:  
**Туробжон Икромович Жўраев** Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 13 июнь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## Х.К.ОКБУТАЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:  
**Химмат Кучкарович Окбутаев** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 13 июнь

## 467019 нафар битирувчи

таълимнинг навбатдаги  
босқичини қаерда давом  
этиришни аниқ билади(ми?)

Касб — киши ҳаётининг мазмуни. Унинг тўғри танланиши ярим бахт эканини мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини битириб, таълимнинг ўрта махсус, касб-хунарга босқичига қадам қўяётган 467019 нафар ўқувчи тўлиқ англаб ололдими? Албатта, бунинг учун мактабларда кичик синфларданок ўқувчиларни иқтидор ва салоҳиятига кўра касб-хунарга йўналтириш ишлари олиб борилишини таъкидлаш муҳим. Айниқса, 9-синфда ташкил этиладиган "Мен танлаган касбинг келажак ҳаётимдаги ўрни" мавзусидаги иншолар танлови, "Касблар фестивали", "Касблар ойлиги", "Очиг

эшиклар куни" тadbирларида ўзи яшаб турган ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва касб-хунарга коллежларига уюштирилган саёҳат ва экскурсияларда, уч босқичли сўровномаларда иштирок этган ўқувчининг бу ҳақдаги тасаввурини янада кенгайтириш шубҳасиз.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш педагогик-психологик республика ташхис марказининг маълумотларига кўра, 2016-2017 ўқув йилида ўтказилган шу каби тadbирларда 430 мингдан зиёд 9-синф битирувчиси, 138 мингга яқин ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган.

(Давоми 3-бетда.)

## Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari



## Маҳалла маслаҳатчиси заковатли бўлсин

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик театрида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Қорақал-

поғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Уч шарт бўйича ўтказилган танловда шаҳар ва туман босқичларида сараланган 15 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди.

(Давоми 4-бетда.)

## ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Харакатлар стратегияси амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Конституциямизнинг 7 моддасига суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар билан боғлиқ принципал ўзгаришлар киритилгани, судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори маълумлиги судьялар корпусини шакллантириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг янги органи — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани бу йўналишдаги ислохотлар изчил давом эттириляётганининг тасдиғи сифатида эътироф этилди.

Йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов соҳасида ягона олий органи сифатида давр талаблари асосида янгидан шакллантирилгани, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мувофиқ тўғри келмайдиган ҳолат — судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилгани тизим ривожини йўлида муҳим қадам бўлгани қайд этилди.

Айни пайтда қўлга киритилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, соҳа ривожига танқидий ёндашиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни самарали ҳал қилиш йўллари ва механизмлари ҳақида билдирилган аниқ таклифлар, амалий ташаббуслар асосида суд идоралари, судьялар фаолиятини бутунлай янги асосда, самарали ташкил этиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига бўлаётган муносабатларнинг катта қисми айнан суд идоралари ва судьялар фаолияти билан

боғлиқ экани бу йўналишда кўплаб муаммолар мавжудлигидан далolat беради, деди давлатимиз раҳбари. Суд тизимида адолат тамойилларига нечоғли риоя қилинаётгани ҳақида атрофлича тўхтаб ўтилди.

Асосий мақсадимиз, деди Шавкат Мирзиёев, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода "Адолат кўргони"га айлантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибининг шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу маънода ўз соҳасини яхши билмайдиган, пухта касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак.

Йўналишда адолат ва маънавият — ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунарлар экани, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли айрим судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, нопоклик, таъмагирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лоқайд қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб келаётгани қаттиқ танқид қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг собиқ раҳбарлари айнан ана шундай ўта муҳим масалаларга вақтида эътибор қаратмагани туфайли соҳада жиддий камчилик ва муаммолар вужудга келгани афсусланарли ҳолат экани таъкидланди. Олий суднинг

янги раҳбарлари олдида бундай камчилик ва муаммоларни тезлик билан бартараф этиш, суд органлари ва судьялар фаолиятини қонун ва адолат талаблари асосида самарали ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Айниқса, фуқароларнинг суд идораларида сарсон-саргардон бўлишининг олдини олиш, ишларни ўз вақтида кўрмасдан, одамларни овора қилган суд ходимларига муносиб баҳо бериш зарурлиги қатъий таъкидланди. Шу мақсадда илгари сурилган муҳим бир фикр — ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда бир ойда қамода бир марта очиқ мулоқотлар ташкил этиш ҳақидаги таклиф иштирокчилар томонидан тўлиқ маъқулланди.

Судья лавозимида фаолият кўрсатаётган суд ходимлари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш вақти келгани қайд этилди. Бундан буён судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, халқнинг ўзи баҳо беради, деди давлатимиз раҳбари.

Йўналишда судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Президентимиз томонидан бу борадаги ишлар самардорлигини ошириш мақсадида ихтисослашган ўқув муассасаси — Одил судлов академиясини ташкил этиш ҳақида билдирилган таклиф йўналишда қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Тадбирда яна бир муҳим таклиф — халқ олдида обрў-эътибор қозongan судьяларнинг ҳаёт йўли, одил судловни амалга оширишдаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш учун "Судьялар клуби" ва "Суд ҳимоясида" руқнлари остида марказий телеканаллар ва газеталарда мунтазам равишда туркум

кўрсатув ва мақолалар эълон қилиб бориш ҳақида амалий фикр илгари сурилди ва йўналиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бу борадаги ишларни маҳалла, қорхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларида кўриш кўламини кенгайтириш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, жумладан, электрон суд стенографияси, видеоконференцалоқани кенг жорий этиш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминловчи идоралараро электрон маълумот алмашиш тизимини шакллантириш, одил судловни амалга ошириш жараёнини доимий ўрганиб, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, уларнинг ҳар бири бўйича аниқ тасвия ва амалий кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик бугунги кунда давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатаётган барча инсонлар қатори судьялар фаолиятининг ҳам кундалик қоидаси бўлиб қолиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йўналишда сўзга чиққан суд органлари ходимлари, давлат бошқаруви идоралари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ривожини йўлида кўрсатилаётган алоҳида эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, бугунги йўналишда ҳар томонлама чуқур асослаб берилган долзарб вазифаларни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамжиҳатликда, самарали иш олиб бориш ва белгиланган мақсадларга эришиш Ўзбекистон судьялар ҳамжамияти, суд-ҳуқуқ тизимида хизмат қилаётган барча ходимларнинг ғоят масъулиятли ва шарафли вазифаси эканини таъкидлади.

Ў.А

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўرғазмаси дунё эътиборини тортмоқда

Остона шаҳрида давом этаяётган ЭКСПО — 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўрғазмада 120 дан ортқ мамлакат технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш қилаётир. Ўзбекистон кўрғазмаси барчанинг эътиборини тортмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намойиши учун ажратилган бинонинг биринчи қаватидан қиёс. Бу ерда қуёш, шамол ва сув энергияси, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабалари томонидан робототехника йўналишида яратилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Кўпчиликда сув ёрдамида ҳаракатланадиган «Matiz» автомобили катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Тўғри, дунё автомобиль саноти учун сув ёрдамида ҳаракатланадиган машина янгилик эмас. Аммо бошқа муқобилларидан фарқи шундаки, ушбу автомобиль водород сақловчи қутига эга

эмас, — дейди "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясининг стратегик режалаштириш бошқармаси бошлиғи Сардор Тожиев. — Унда машинага водород қаердан келади, дейсизми?! Водород автомобиль ҳаракатланаётган чоғда ишлаб чиқарилади. Катализатор орқали водород ва кислород иккига ажралади. Водород кичкина бақда йиғиб борилади ва керакли микдорда ички ёниш двигателига етказиб берилади. Натижада ҳаракатланаётган автомобиль 40 фоиз ёниги тежайди. Атмосферага чиқарилаётган зарарли газ микдори 80 фоиз камаяди.

Мамлакатимиз ёшларининг робототехника йўнали-

шида эришган ютуқлари акс этган стендлар ҳам кўпчилик эътиборини тортмоқда.

— Ўзбекистон павильонидан ўрин олган "робот конструктор", "робот гид", "сараловчи робот", "робот кўп" сингари робототехника йўналишидаги янгиликлар, замонавий технологиялар менда катта таассурот қолдириди, — дейди "Дуня" газетаси лойиҳа мутахассиси Айфер Илхан (Туркия). — Айниқса, "робот гид" билан қизиқиб қолдим. Унинг хотирасига Ўзбекистондаги тарихий обидалар, музейлардаги экспонатлар ҳақида маълумотлар юкланган. Юз қисмига кўриш камераси ўрнатилган. Муайян тарихий бино ёки экспонатга қаратсангиз бас, ўзингизни қизиқтирган маълумотга эга бўласиз. Булар талабалар томонидан яратилган тахсинага сазовор.

Иккинчи қаватда мамлакатимизнинг транспорт ва логистика, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат, вино ва

шарбат тайёрлаш санотида эришилган ютуқлар, миллий таомларимиз намойиш этилмоқда.

Бугунги кунда дунёда миллионлаб одам тўлиқ овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг муайян турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш куннинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Ўзбекистон павильонидан мамлакатимизда етиштирилган сархил мевалар, полиз экинлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олган.

— Бутунжаҳон кўрғазмасида иштирок этиш баробарида дунё санотида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиб чиқаямиз. Хорижий ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлдик, — дейди "Ўзбеккозиковқатхолдинг" холдинг компанияси бошқар-

ма бошлиғи Баҳодир Юнусов. — Қайта тикланмайдиган энергия ресурсларини тежаш, унинг ўрнига муқобил энергия воситаларини озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасига кенг татбиқ этиш, нанотехнологиялардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш борасида янги технологияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича мамлакатимизда самарали ишлар олиб борилмоқда. Кўрғазмада эришган ютуқларимизни намойиш этиш билан бирга хорижий ҳамкорлар топиш имконига ҳам эга бўлмоқдамиз.

Остона шаҳрида "Келажак энергияси" мавзуда ўтказилаётган ЭКСПО — 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўрғазма жорий йилнинг сентябрь ойига қадар давом этади.

Бекзод ХИДОЯТОВ,  
Ў.А махсус мухбири  
Остона — Тошкент.

2017-yil 14-iyun, № 47 (9008)

# 467019 нафар битирувчи

таълимнинг навбатдаги босқичини қаерда давом эттиришни аниқ билади(ми?)



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, "Ота-оналар йиғилишлари"да ҳам 443 минг нафар ота-она, 28,2 минг нафар жамоатчилик вакили ҳамда 18,5 минг нафар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари вакили қатнашди. Йиғилишлар, давра суҳбатлари, учрашувларда ота-оналар ва ўқувчиларга юртимизда таълимнинг кейинги босқичида ўқиш ёшлар учун улкан имконият экани, буни англашни истаманган ота-оналар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига мувофиқ энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жаримага тортилиши бот-бот таъкидланди. Айни пайтда психологик-педагогик таълим методикаларига мувофиқ, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари танлаган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўқишни давом эттириш тўғрисидаги аризалар асосида битирувчиларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди шакллантирилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида эса доимий фаолият кўрсатувчи маслаҳат марказлари ишламоқда. Шу ойнинг йигирманчи санасидан академик лицей ва касб-хунар коллежларига ҳужжат топшириш ишлари бошланади.

Ҳар қандай соҳада муаммолар учраши табиий. Уни ҳал этишга бўлган интилиш эса янги марраларни забт этиш, янги имкониятларни очилишининг муҳим омилidir. Шу маънода жойлардаги ҳақиқий вазиет, мутахассислар фаолиятида учраётган тўсиқлар ва уларни бартараф этиш борасидаги сайёҳаракатлар билан яқиндан танишиш мақсадида Куйичирчиқ туманидаги умумтаълим мактабларида бўлди.

Тумандаги бешта касб-хунар коллежи ҳар йили 51 та мактабнинг 9-синф битирувчиларини қамраб олади. Бу йил мазкур таълим муассасаларини 1470 ўқувчи тамомламоқда. Сўровнома-лар натижасига кўра битирувчиларнинг 23 нафари академик лицейларда, 1447 нафари касб-хунар коллежларида таълимни давом эт-

тириш истагини билдирган. Худудлар кесимида таҳлил қилсак, таълимнинг кейинги босқичини ўқувчиларнинг 321 нафари Тошкент вилояти шаҳар ва туманларидаги, 120 нафари Тошкент шаҳридаги, 29 нафари эса бошқа вилоятлардаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида давом эттириш ниятида.

— Фаолиятимиз Е-мактаб электрон дастури орқали Республика ташхис маркази томонидан тўлиқ назорат қилинади, — дейди туман ХТМФМТТЭБ ташхис раҳбари Феруза Турматова. — Ҳар бир 9-синф битирувчисининг исм-фамилияси, мактаби, таълим тили, манзили ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежининг қайси таълим йўналишида ўқиш истагини билдиргани тўғрисида маълумотлар белгиланган вақтда электрон киритиб

қизиқиши бор-йўқлиги, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларига эътибор қаратмайди. Шундай кишилар орасида баъзан, "Пойтахтда ўқитишга рухсат беришмайди, унда таълимнинг ихтиёрийлиги қаерда қолади?" қабилида фикр билдирганлар ҳам учрайди. Аслида-чи?

— Юртимизда академик лицей ва касб-хунар коллежиде ўқиш — мажбурий, йўналиш ва мутахассисликларни танлаш эса ихтиёрий, — дейди Феруза Турматова. — Масалан, ўқувчилар туманидаги касб-хунар коллежларида мавжуд бўлмаган юриспруденция, темир йўл, солиқ, соғлиқни сақлаш соҳалари, ҳарбий академик лицейда таълим олиш учун бошқа худудларга бемалол бориши мумкин. Лекин ўзимизда ҳам бухгалтер касби бўйича кичик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаси турганда, шу мутахассислик бўйича Тошкент шаҳрида ўқимокчи бўлган ўқувчини, унинг ота-онасини қандай тушуниш мумкин? Шунинг учун юртимиздаги барча касб-хунар коллежларида таълим мазмуни, дипломларнинг аҳамияти ҳам бир хил экани ўзаро суҳбатларда ота-оналарга тушунтирилади. Аввало, уларда туманидаги таълим муассасаларига ишончсизлик уйғотган омиллари аниқлаймиз. Кейин ота-оналарни худудимиздаги ўша мутахассислик бўйича кадр тайёрлайдиган коллежга олиб бориб, у ерда яратилган шарт-шароит ва

лардан. У биринчи сўровнома натижаларини таҳлил қилиб кўргач, пойтахтда ўқиш истагини билдирган ўқувчилар кўпчиликини ташкил этишини билди. Илк сўровнома ўқувчиларнинг тахминий фикрларини аналитас-да, қайсидир маънода, улар асослидек туюлди. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича туманда мутахассис тайёрланмаслиги тўғрисида ота-оналар ва ўғил-қизлар асосан Тошкент шаҳридаги тиббиёт коллежларини танлаган. Психолог улар билан суҳбат жараёнида худудга яқин жойлашган, қатнов осон бўлган Янгийўл

ча ўқиш истагини билдирганлар кўпроқ. Бу эса мактаб психологлари олдида йўналишлар бўйича қамровдаги мутаносибликни таъминлаш борасида ҳам муайян вазифалар турганини билдиради.

— Асосийси, ота-оналарни ҳам, ўқувчиларни ҳам келгусида ишга жойлаша олиш имконияти мавжудлигига ишонтириш, — дейди Феруза Турматова. — Чиндан ҳам, бир маҳаллага бир сартарош етиши ҳисобга олинса, бу касбни ўрган, эртага ишинг тайин, дейиш қийин. Шунинг учун туманидаги мавжуд йўналиш-

**Одамларда туман касб-хунар коллежларидаги мутахассисликлар ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Улар асосан автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, компьютер инжиниринги техник, тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш техник-технология каби касбларни худуддаги энг истиқболли касб деб билади.**

ҳамда Зангиота тиббиёт коллежлари ҳақида батафсил маълумот берди. Натижада 23 нафар ўқувчи учинчи сўровномада ушбу таълим муассасаларида ўқиш ниятида эканини маълум қилди.

— Ота-оналар ҳамда ўқувчилар билан ўтказилган суҳбатларимизга фан ўқитувчиларини ҳам жалб этдик, — дейди тумандаги 11-мактаб психологи Умида Иброҳимова. — Иккинчи сўровнома натижасига кўра Тошкент шаҳрида темир йўл, алоқа, ҳуқуқшунослик, педагогика, тиббиёт йўналишидаги касб-хунар коллежларига ҳужжат топширмоқчи бўлган битирувчиларнинг имкониятлари, оилавий шароитларини ўрганиб чиқдик. Масалан, танланган коллеж саралаш имтиҳони асосида қабул қиландиган бўлса, ўқувчининг билими талабга қай даражада жавоб бериши ўрганилди. Фанлардан ўзлаштирган билими таҳлил қилинди. Шундан сўнг учинчи сўровномада мақсади қатъий ўқувчиларгина ўз қарориде қолди. Улар имтиҳондан ўтолмай қолса, ўз ихтиёри билан тумандаги қайси коллежда ўқишни сўровномада белгиланган бўлди.

Одамларда туман касб-хунар коллежларидаги мутахассисликлар ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Улар асосан автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, компьютер инжиниринги техник, тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш техник-технология каби касбларни худуддаги энг истиқболли касб деб билади. Айримлар "Болам сувоқчилик ёки сартарошликни ўрганиши учун уч йил умрини сарфлайдимми? Бирор устага шогирд тушса ҳам бу касбларни олти ойда ўрганиб олиши мумкин", дейди. Шунинг учун юқоридаги уч мутахассислик бўйи-

ларга ўқувчиларни йўналтиришда касб-хунар коллежлари масъуллари билан ҳам корликда иш олиб борамиз. Масалан, Куйичирчиқ агроиқтисодий касб-хунар коллежиде ихтилоллар тайёрланади. Ушбу мутахассисликка аввалги йиллари қизиқиш кам эди. Кейинги биринчи йилда коллеж томонидан ўқувчилар ўртасида ўтказилган тақдиротлар ўз самарасини берди. Айниқса, бугунги кунда балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор, яратилаётган имкониятлар ўқувчи-ёшларнинг бу касбга қизиқишини оширапти.

Айрим ўқувчилар синфдоши ёки ўртоғи танлаган касбга қизиқиш билдираётгани ҳам бор гап. Бу эса касб-хунарга йўналтириш ишлари етарлича ташкил этилмаётганини кўрсатади.

— Туманимиздаги 51 та мактабнинг бештасида психолог-мутахассис (2 нафари психолог дипломига эга, 3 нафари қайта тайёрловдан ўтган) фаолият олиб бормоқда, — дейди Феруза Турматова. — Қолган умумтаълим муассасаларида уларнинг вазифасини бошқа фан ўқитувчилари бажаряпти. Бундан ташқари, тариф ставкасига кўра психологнинг ойлик маоши кам. Баъзан ишнинг сир-асорини ўрганиб олганда педагоглارнинг ярми бўшаб кетади. Қолаверса, янги ўқув йилида мактаб директорлари эндигина олий ўқув юртини тамомлаб келган, хали педагогик таърибага эга бўлмаган ёш мутахассисларга бу мушкул вазифани юклаб қўймоқда. Бу ҳам касб-хунарга йўналтириш ишларига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу масалалар ўз ечимини топса, ўйлаймизки, ютуқлар салмоғи ортади.

Аброр УМАРКУЛОВ,  
"Ma'rifat" муҳбири

**Худудлар кесимида таҳлил қилсак, таълимнинг кейинги босқичини ўқувчиларнинг 321 нафари Тошкент вилояти шаҳар ва туманларидаги, 120 нафари Тошкент шаҳридаги, 29 нафари эса бошқа вилоятлардаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида давом эттириш ниятида.**

борилади. Айтмоқчиманки, жараёнда учрайдиган муаммолар бундан беш-олти йиллар олдиндиган кўра анча камайди. Маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари раҳбарлари, воёга етмаганлар ишлари бўйича худудий комиссияларнинг ота-оналар орасида тушунтириш ишларини олиб бориши иш самарадорлигини анча оширди. Масалан, ўтган йиллардаги таърибадан келиб чиқиб бу йил ҳам маҳаллаларда маҳалла оқсоқоли, участка инспектори уймай ўйиб, 12 йиллик таълим мажбурий эканини ва унинг қонуний асосларини ота-оналарга тушунтирди.

Фарзандининг келажагига бефарқ бўлмаган барча ота-она боласининг яши жойда ўқиб, истиқболли касб эгаси бўлишини хоҳлайди. Бунинг учун дилбандини пойтахтдаги таълим муассасаларидан бирига жойлаштириш учун турли режалар тузади. Айрим ота-оналар ўғил-қизининг бу мутахассисликка салоҳияти етиш-етмаслиги,

имкониятлар, келгусида иш билан таъминлаш истиқболлари билан таништирамиз. Шу билан бирига қуруқ ваъда бераётган "уддабурун"ларга ишониб эмас, ҳақиқий вазирати билиш, чиндан ҳам вилоят ёшларига квота ажратилган ёки йўқлигини шахсан ўзи ўрганишини, бунинг учун шаҳардаги таълим муассасаси раҳбари билан учрашишни маслаҳат берамиз. Мақсадимиз — 9-синф ўқувчиларига ва уларнинг ота-оналарига ўз худудиде, ишончли назорат остида таълим олиш фойдалигини тушунтириш. Бугун ахборот хуружлари кучайиб бораётган бир пайтда ўсмирини назоратсиз қолдириш турли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниб етган ота-оналар дарҳол тўғри хулоса чиқариб, фарзандларининг ўз худудиде таълим олишига ҳайрихоҳ бўляпти.

Тумандаги "Ўжакент" қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 4-умумтаълим мактаби психологи Муяссар Қаюмова айни шу масалага кўп дуч келган мутахассис-

## Yangiliklarda yurt nafasi



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзоларининг бир гуруҳи Сурхондарё вилояти Шеробод туманида бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказди.**

Ўрганишлар натижаси халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳокама этилди.

Депутат ва сенаторлар ўн кун давомида қишлоқ ва маҳаллалардаги хонадонларда бўлиб, фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, ижро ҳокимияти, ҳуқуқ-тарбиёт идоралари ва бошқа соҳалар фаолиятини ўрганди. Хулудда учраётган камчилик ва муаммоларни жойида ҳал этишга қўмақлашди.

Сессияда одамларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган мавжуд муаммолар чуқур таҳлил этилиб, йўл кўйилган хато ва камчиликлар танқид қилинди. Масъулиятсизлик қилган, аҳоли дуч келаётган муаммоларга эътиборсизлик билан қараган айрим раҳбарларга иттиҳомий жазо қўллаш таклифи киритилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбир белгилаш, ижросини таъминлаш юзасидан фикр алмашилди. Халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари ва сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, жойларда учраётган камчиликлар, фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларига жиддий эътибор қаратиш, ислохотларни янада чуқурлаштириш тавсия этилди.

**Бухоро вилоятида “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураемиз” шиори остида кенг қўламли тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.**

Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа вазириликлари, Вазирият Махкамаси ҳузурдаги дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Ўзбекино” миллий агентлиги, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда таниқли шoir-ёзувчилар, олимлар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонадалари, ҳарбийлардан иборат тарғибот гуруҳлари жойлардаги таълим муассасалари, маданият ва санъат масканлари, хиёбонлар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, маҳаллалар, ҳарбий қисмларда бўлиб, учрашувлар ўтказди.

Когон шаҳар 2-болалар мусика ва санъат мактабида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган шундай учрашувда Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари, юртдошларимиз ҳаётида, онгу тафаккурида юз бераётган улкан ихобий ўзгаришлар ҳусусида сўз юритди.

— Давлатимиз келажаги кўп жиҳатдан биз, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, маънавиятга боғлиқ эканини яхши англаймиз, — дейди Когон шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби ўқувчиси, “Камалак” билимдонлари” кўрик-танловининг мамлакат босқичи иштирокчиси Т.Усмонова. — Бинобарин, навқирон авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли мафкуравий-маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш давримизнинг энг муҳим вазифаларидандир.

**Асака туманида “Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш — демократик жамият қуриш пойдевори” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши, партиянинг “Ёшлар қаноти” бўлими ҳамда Асака тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутatlари, партия фаоллари, ҳуқуқшунослар, таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, уюшмаган ёшлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ихобий ҳал этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини тўлақонли намоён этиши учун барча шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни мазмун-моҳияти, Президентимизнинг жорий йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи доирасидаги мулоқотлардан келиб чиқадиган вазифалар, ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий ва сиёсий билиминини бойитиш, бандлигини таъминлаш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида “Компьютерлаштириш ва келажак касблари” мавзусида семинар ташкил этилди.**

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Uzinfocom” компанияси ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси, “Электрон ҳуқумат” тизимини ривожлантириш маркази, АКТ компаниялари вакиллари иштирок этди.

Семинарда корпоратив тизимлардаги янгиликлар ва инновациялар маданияти, HR-менежменти, келажак касблари, шунингдек, ходимларни ўқитиш услублари, инновацион ғоя ва таклифларни ишлаб чиқиш учун зарур шароитлар яратиш масалаларига бағишланган мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган IT соҳаси мутахассисларини тайёрлаш сифатини янада ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

## Маҳалла маслаҳатчиси заковатли бўлсин

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Соҳада ислохотлар амалга оширилаётган даврда маҳалла маслаҳатчисида юксак билим ва заковат билан иш юритиш талаб этилади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бош мутахассиси Аруўхон Келимбетова. — Маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий билим ва малакасини бойитиб бораемиз. Мазкур кўрик-танлов иштирокчилар билиминини бойитади. Аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, урф-одат ва кадриятларни кенг тарғиб қилиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор



топтиришда маҳалла маслаҳатчиларининг ҳиссаси катта.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳулосасига кўра, биринчи ўринга Нукус шаҳри “Наўқан бағ” МФЙ маслаҳатчиси Замира Айтбаева, иккинчи ўринга Эллиқалъа тумани “Тош-

кент” МФЙ маслаҳатчиси Замира Қудайқулова ҳамда учинчи ўринга Чимбой тумани “Майжап” ОФЙ маслаҳатчиси Гулдана Айтимбетова сазовор бўлди.

**Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА, “Ma'rifat” мухбири**

## Дарслик муаллифининг дарси

**Навой вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида “Башланғич таълим модули бўйича муаллифлик малака ошириш курслари” режаси асосида ташкил этилган навбатдаги машғулоти 1, 2-синфлар учун яратилган “Математика” дарслиги муаллифи Набия Абдурахмонова бўлиб берди.**

Муаллиф “Башланғич синфларда математика дарсларини ташкил этишнинг инновацион омиллари” мавзусидаги маърузасида педагогик тажрибасига таянган ҳолда, башланғич синф математика дарсларида ўқувчиларнинг назарий ва амалий билим, малака ҳамда қўникмаларини шакллантиришда инновацион технологиялардан ўринли фойдаланиш ҳусусида мулоҳаза юритиб, ўқитишнинг замонавий усуллари афзалликларини амалий машқлар орқали кўрсатиб берди.

— Ўқувчилар орасида шундай зукко болалар бўладими, улар берилган топшириқларни бир зумда бажариб, кейин зерика бошлашди-деки ўзлари билмаган ҳолда маълум маъно-

да дарснинг боришига халақит беради, — дейди Н.Абдурахмонова. — Ўқитувчи бундай иқтидорли болалар билан алоҳида ишлашнинг самарали услубларидан маҳорат билан фойдаланмоғи керак. Масалан, уларни турли бошқотирмаларни ечишга жалб этиш ҳам яхши самара беради. Шунингдек, башланғич синф ўқитувчилари ҳар бир мавзунини ўтишда кўргазмалар воситаларга албатта murojaat қилиши жоиз. Замонавий ахборот технологияларини қўлламай туриб ўқувчиларнинг яширин қобилиятларини кашф этиш, юзага чиқариш, тарбиялаш қийин.

Машғулот давомида тингловчилар билан суҳбат ўтказилиб, дарсликлардаги мавжуд мураккабликлар, хато ва камчиликлар борасида вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидаги мактабларда фаолият юритаётган амалиётчи ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

**Меҳри ШОКИРОВА, Навоий шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби олий тоифали башланғич синф ўқитувчиси**

## Таржима санъати ва китобхонлик

**Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда “Китобхонлик маданияти ва бадий таржима маҳорати” мавзусида республика шимий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Ўзбек таржимашунослик илми ривожига муносиб хисса қўшган олим, профессор Файбулла Саломов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур анжуманда сўзга чиққанлар юртимизда таржимашунослик борасида амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, мавжуд муаммолар ҳақида гапирди.

— Самарқанд давлат чет тиллар институти олимлари

таржимачилик соҳасига ўз хиссаларини қўшиб келмоқда, — дейди институт ўқитувчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Тошпўлат Тугалов. — Институт жамоаси Алишер Навоий газалларини, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Навой” романи, Гафур Ғулومнинг “Шум бола” кассасини инглиз тилига таржима қилди. Айни пайтда бу асарлар нашр этилиш арафасида. Институтимиз ўқитувчи ва талабалари китоб-

хонларни хориж адабиёти билан яқиндан таништириш мақсадида ёшлар дунёқарши кенгайишига хизмат қиладиган асарларни таржима қилишга жиддий бел боғлаган. Конференцияда бадий таржимачилик маҳоратини оширишнинг замонавий методлари ва танқиди, таржима санъати назарияси ва амалиётининг узвийлиги, таржима илмида Файбулла Саломов мактаби аъёналари, таржима адабиётининг тарғиботига доир ўндан зиёд маъруза тингланиб, қизгин муҳокама этилди.

**Ҳаким ЖўРАЕВ, “Ma'rifat” мухбири**

## Ҳамкорликда ҳикмат кўп

**Муборак туман “Баркамол авлод” болалар марказида “Тўғаракларга ўқувчиларни жалб қилишда мактаб, маҳалла ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги” мавзусида вилоят ўқув-семинари бўлиб ўтди.**

Тадбирда “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг қизиқиши бўйича ташкил этиладиган тўғаракларга услубий ёрдам кўрсатиш методлари”, “Тўғаракларга кам таъминланган оила фарзандларини, имконияти чекланган ва профиллактик ҳисобда турувчи болаларни жалб этиш” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Бугунги кунда Қашқадарё вилояти бўйича 650дан ортиқ воёга етмаганлар профиллактик рўйхатга олинган, — дейди вилоят “Баркамол авлод” болалар маркази директори Муҳайё Мейлиева. — Албатта, бу кўрсаткич жуда аянчли. Бу борадаги ишларни қучайтириш учун кенг жамоатчиликни жалб қил-

ган ҳолда ҳаракат қилишимиз керак. Бола қачон жиноят қўчасига кирди, қачонки, у бўш қолганида. Бола тарбияси учун ота-она, мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчилик бирдек масъулиятини ўз зиммасига олганига қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

— Мактабимиз қошида ташкил этилган “Мохир кўллар” тўғарак раҳбариман, — дейди тумандаги 28-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси Гулсара Чўлиева. — Тўғарак аъзолари асосан қизлар бўлиб, улар бичиш-тиқиш сирларини ўрганмоқда. Бундан буён ўқувчиларни тўғаракка жалб этишда туман “Баркамол авлод” болалар маркази ходимлари ҳамда ота-оналар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиши мақсад қилдик. Марказ услубчиларидан эса методик тавсиялар оламиз.

**Ўқтам МЕЙЛИЕВ, “Ma'rifat” мухбири**

2017-yil 14-iyun, № 47 (9008)

## Методистнинг кўмаги ўқитувчи эҳтиёжига мосми?

*Ўқитувчи фаолиятида методик манбалар, педагогик технологияларни самарали қўллаш бўйича аниқ тавсияларга эҳтиёж сезади. Педагоглар билан мунтазам равишда мулоқот ўрнатиб, муаммоларни аниқлаш, ҳал этиш, зарур методик ёрдам кўрсатиш вилоят ва туман методистларининг бош вазифасидир. Айни мавзу доирасида амалга оширилаётган ишларни илгор методистлар фаолияти мисолида ўрганимиз.*

— Методик хизматни тўғри ташкил этиш таълим жараёнини самарали ташкил этиш, ўқувчиларнинг билим даражасини оширишнинг муҳим омилларидан биридир, — дейди Республика таълим марказининг хорижий тиллар бўлими бош методисти Хуршида Исоқжоновна. — "Халқ таълими педагог ходимлари"га 2017 йилда мезоннинг хизмат кўрсатиш режаси"га асосан Халқ таълим вазирлиги ташаббуси билан ҳудудлардаги мактабларда сўровномалар ўтказилиб, методист ва фан ўқитувчиларнинг методик эҳтиёжи ўрганилди. Жорий йил бошида "Умумтаълим мактабларида чет тили ўқитилишининг 1-босқич якунлари ва 2-босқични ташкил этишдаги муҳим омиллар" мавзусида видеосеминар ўтказилди. Унда чет тили фани ўқитувчилари учун ҳам қатор замонавий педтехнологиялар тавсия этилди. Ўқувчиларнинг чет тилидаги мураккаб мавзуларни ўзлаштириш даражаси таҳлил этилиб, тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш ҳамда нутқ кўникмаларини ўстириш юзасидан назорат материаллари олинди.

Rtm.uz веб-сайти орқали "Маҳорат устахонаси", "Тад-

бирлар", "Дарс ишланмалари", "Методик тавсиялар" каби кўплаб рукнларда маълумот ўқитувчиларнинг тажрибаси ёритиб борилмоқда. Методик материаллар билан барча педагоглар танишиб, ўзлари учун зарур маълумотга эга бўлишяпти.

Учқудук тумани ХТМФМТЭБ бошланғич таълим методисти Насиба Бердибоеваннинг иш тажрибаси ҳам ўрганишга арзигулик.

— Ўқувчининг комил инсон бўлиб улғайиши ўқитувчига боғлиқ. Айниқса, бошланғич таълим ўқитувчисининг масъулияти ва маҳорати бир неча баробар ортқ бўлиши керак, — дейди у. — Бошланғич таълимда мотивацияни оширувчи омиллардан бири интерфаол методлардан фойдаланишидир. Интерфаол ўқитиш жараёнида барча ўқувчи дарсга ҳиссасини қўшишга, билим, ғоя ва фикр алмашишга интилади. Метод ва воситалар қанча хилма-хил бўлса, ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотга киришиш имконияти шунча юқори бўлади. Бу таълим жараёнини муваффақиятли ташкил этиш билан бирга ўқитувчининг маҳорати ошишига ҳам хизмат қилади. Бунга эса узлуксиз ўқиш-ўрганиш, тад-

қиқот олиб бориш, психологик муҳитни тушуниш, ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш орқали эришиш мумкин.

Айни пайтда методистнинг хулоса ва таклифлари асосида бошланғич таълим ўқитувчилари дарсларда ўқувчилар билан жуфтликда ва гуруҳларда ишлашда "Гуруҳларда ишлаш", "Тақдимот", янги мавзунинг баён қилишда "Кичик маъруза", "Ролли ўйин", "Ақлий ҳужум", "Чархпалак" методларидан ва "Ҳамма, ҳаммага ўргатади", "Менинг



### Tajriba

ўрним қаерда?", "Гуруҳингиз аниқла", "Урнини топ", "Ортиқасини топ", "Биргаликда ўқиймиз", "Ақл чархи" каби машқлардан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, Навоий вилоятида ҳар йили истеъдодли, билимли бошланғич синф ўқитувчиларининг тажрибасини оммалаштириш мақсадида "Тажрибамнинг сеҳрли силрлари" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. "Йилнинг энг яхши бошланғич синф ўқитувчиси", "Пойдевор яратувчи" каби кўриктанловлар ҳамда ўқувчилар ўртасидаги "Кичик олимпиада", "Аскар акамга мактуб", "Кимнинг хати чиройли?", "Ёш рассомлар" каби танловлар ҳам илгор ўқувчиларни аниқлаш билан бирга уларнинг методик эҳтиёжларини, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни ўрганиш имконини бермоқда. Шулар асосида ўқитувчиларга зарур ме-

тодик ёрдам кўрсатилаёпти.

Яшнобод тумани ХТМФМТЭБ она тили ва адабиёт, ўзбек тили фанлари методисти Наргиза Саидалиеванинг таъкидлашича, туманда ўқитувчиларга қандай методик ёрдам кераклигини аниқлаш мақсадида мониторинг ўтказиб келинади. Якунланган ўқув йилида она тили ва адабиёт фани бўйича таълим самарадорлиги таҳлил қилинганда ўқувчиларнинг озаки, ёзма нутқида камчиликлар кўзга ташланган. Муаммони бартараф этиш учун "Ёш мутахассислар мактаби", "Методист мактабга келди" лойиҳалари асосида ўқитувчилар орасида ўзаро тажриба алмашиш муҳити яратилди.

— Амалий машғулларда тажрибали ўқитувчилар ёш педагогларга дарс мазмунини бойитадиган, болаларнинг озаки ва ёзма нутқини риwoжлантирувчи услубларни кўрсатиб беришяпти, — дейди Наргиза Саидалиева. — Масалан, 153-мактабда адабиёт фанидан "Эркин Воҳидов шеърияти" мавзусида очик дарс уюштирилди. Ўқитувчилар "Кластер", "Сўз ичида сўз", "Синквейн", "Кайноқ картоташка", "Матн таҳлили", "Чархпалак" каби методларни қўллаганда ўқувчиларнинг дарсга қизиқиши ошгани ва фаоллашгани, якунда билим ва тушунчалари мустақамлангани сезилди.

Бундай амалий-методик тадбирлар тумандаги барча мактабларда мунтазам ўтказилмоқда. Ўқув жараёнида инновацион ёндашув бугуннинг

асосий талаби бўлгани учун тумандаги 94 нафар она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси зиммасига машғулларда фан-техника соҳасидаги ютуқлар, янгиликларни татбиқ этиш вазифаси юкланган.

Ўқитувчиларга методик кўмак кўрсатишни янада жонлантириш учун "Таълимда инновацион технологиялар" шiori остида тадбирлар ташкил этилмоқда. Тадбирларда мактаб методбирлашмалари фаолияти таҳлил қилинади. Хар бир фан ўқитувчиси ўз фаолиятига танқидий баҳо бериб, "Менинг тажриба ва малакам, касбий маҳоратим, тайёргарлигим қай даражада, бугунги кун талабига мосми?", "Таълим самарадорлигини қандай воситалар орқали ошириш мумкин?" деган саволларга жавоб излайди. Масалан, амалда кузатиладиган муаммолари вазиятлардан бири — русийзабон болаларга миллий урф-одатларимизни, адабий асар қаҳрамонларининг мард-жасурилиги, орияти ва ибo-ҳаёсини тушунтиришдир. Бу орада "Миллий қадриятларимизни русийзабон ўқувчилар онгига сингдириш" мавзусидаги дарс методикиси педагоглар учун қўл келмоқда.

Бундан ташқари, «Телеграм» ижтимоий тармоғида махсус гуруҳ ташкил этилиб, фан ўқитувчилари эҳтиёжига мос, амалда уларни қийнаётган муаммоларга осон ечим топадиган методик тавсия ва илгор методлар бериб борилмоқда. Хусусан, яқинда ўтказилган "Ўзбек адабиёти билимдонлари", "Ҳазалхон ёшлигим" танловларини ташкил этиш юзасидан тавсиялар, видеолар халқ тармоқда ҳавола этилгани барчага маълум келди.

Шoира БОЙМУРОДОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

## «Ёш мутахассис мактабга меҳр берсин!»

*Янги ўқув йили бошлангани олдидан ҳар бир муассасада кадрлар салоҳиятини ошириш масаласи кўриб чиқилиб, тарификация бўйича мониторинг олиб бoрилади. Кадрлар етишмовчилиги ва бу бўйича бўшлиқлар ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилади. Айни жараёнда таълим муассасаси раҳбарининг мақбул тадбир тутуши кейинги таълимий жараёнга ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур мақолада мактабга янги ходим ва ёш ўқитувчиларни қабул қилишда нималарга эътибор қаратилиши лoзимлиги хусусида тўхталамиз.*

Ўқитувчи касбини севса, дарсларини чин дилдан ўтади, ишдан ташқари пайти ҳам таълимий жараёнини яхшилаш ниятида юради. Ўқувчилари орасида ҳам кўзи чақнаб туради, ҳамкасблари билан суҳбатларда мутахассислиги бўйича муаммоларга ечим излайди, кенг жамоатчилик орасида педагогик касбининг улуғлигини намойиш этишга, хурматини саклашга ҳаракат қилади. Ана шундай хатти-ҳаракатлар эвазига кўп йил ўқитувчилик қилган инсонлар эл орасида обрў топади. Аксинча бўлса-чи? Яқинда бир отахон билан ўрта-мизда бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг шу саволга жавоб излашга уриндим.

— Ёшим саксонни қоралаб қолди. Бир умр ўқитувчилик нонини еганим учун "Ma'rifat" газетасини доимо ўқиб бораман. Зиёлилар газетасида долзарб мавзулардаги мақолаларингизни кўп кузатганман. Шунинг учун сиз билан бир дардлашай, дедим. Бу йил набирам Иброҳимжон 6-синфини тамомлаб, 7-синфга ўтди. У билан математика фанидан савол-жавоб қилдим. Доира

билан айлананинг фарқини сўрасам, доиранинг ичи тўла, айлананики бўш бўлади, дея жавоб берса, денг. Эртаси кун мактабга бордим. Математика муаллими (исминини айтишсини эп кўрмади) билан суҳбатлашдим. Гап-сўзларини тинглаб, набирам нима учун шу даражада саёз билимга эга эканини англаб етгандек бўлдим. "Отахон, яқинда бошқа ишга ўтаман, буйруғим кишинини кутаяпман. Мактабда вақтинчалик, меҳнат дафтарчам "юриб туриши" учун ишлаяпман," — дейди у.

Ота оғир ҳўрсиниб, ўқитувчилик касби, кадрлар масаласида сўзлади. Ҳақиқатан ҳам, таълимга бефарқ бўлмаган фахрий педагогнинг фикрида жон бор. Мактабларга "стаж" учун ишлайдиган педагоглар эмас, касбини севадиган, соҳада баракали меҳнат қиладиган ўқитувчилар керак. "Стаж" учун ишлайдиган педагог доимо ўзини омонат хис этади, узоқ мақсадли режаларни амалга оширмайди. Натиха учун жон куйдирмайди. На жамоада ўз ўрнига эга

бўлишга интилади, на келажакни кўзлайди.

Кимдир, гуруч курмаксиз бўлмайди, бу каби ҳолат барча соҳада ҳам учрайди, дейиши мумкин. Бироқ таълим тизимида бундай салбий ҳолатларнинг учраши келажакка хиёнат, назарингда. Ҳўш, мазкур муаммога қандай ечим топиш мумкин?

Авалло, таълим муассасаси эшигини қоқиб келган олий маълумотли кадрнинг билими, маънавий қиёфаси, ахлоқий фазилатларини ўрганиш учун мактаб маъмурияти қошида ёш мутахассислар билан суҳбат ўтказувчи жамоатчилик кенгашини тузиш лoзим. Унга ота-оналар кўмитасини ҳам жалб қилиш масалани атрофлича ўрганиш имконини беради. Кенгаш ёш мутахассиснинг орзу-ниятлари, режалари, мақсадларини обдон ўрганиб, келажакни ўқитувчиликда кўра оладиган битирувчинини ишга олиш бўйича тавсия бериши даркор. Ана шунда мактаб раҳбари ўзича иш тутмайди ёки таниш-билишчиликнинг ортидан ўқувчилар жабр тортайди, кадрлар кўнимсизлигига чек қўйилади. "Стаж" учун ишлайдиган педагогларни ишга қабул қилишининг олди олинади. Бунда методбирлашма раҳбари янги ходим мутахассислиги бўйича тўплаган балини тасдиқлаб, натиха билан суҳбат хулосасини кенгаш атрофлича ўрганиб, хар бир аъзонинг розилигини олиш керак. Ушбу айланма варақани ташкиллаштириш янги ходимнинг


масъулиятини ошириш билан бирга педагогик соҳасини ардоқлашга ўргатади.

Аксинча, раҳбар кадрларни ишга олишда жамоанинг фикри билан қизиқмаса, ходимларнинг руҳий ҳолати, муаммоларига бефарқ бўлса, муассасада соғлом таълимий муҳитни вужудга келтириши қийин кечеди.

Энди, мазкур жараён рисоладагидек бажарилганда ҳам ҳамма янги ходим мактабга илпсиз боғланди, дегани эмас. Бунинг учун ёш кадрни жамоага мослаштириш, соҳанинг паст-баландидан хабардор этиш, методик жиҳатдан кўмак бериш, қийин вазиятларда ёрдам қўлини чўзиш лoзим. Минг афсуски, бундай тизим барча таълим муассасаларида намунали иш олиб бoраяпти, деб айтолмаймиз. Гарчанд устоз-шогирд аънавалари асосида тегишли ҳужжатлар тўлдирилиб, ўзаро бириктирилган ходимлар баённомаси тахт қилиб қўйилса-да, аслида ҳақиқий ҳолат бунга зид келади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, халқимизнинг миллий хусусиятларига мос бeтaқор тизим талабга кўра ишласа, ёш мутахассислар енгилроқ соҳаларга ўзини урмайди.

Ғайратжон ҚОРАБЕКОВ,  
Булунғур туманидаги  
67-мактаб директорининг  
маънавий-маърифий ишлар  
бўйича ўринбосари



Ёзги таътил бўлишига қарамай мактаб ҳовлиси ўқувчилар билан гавжум. Қуюқ соя ташлаб турган дарахлар тагида кичкинтойлар оқ қоғозга турли расмлар чизишмоқда. Уларга халақит бермаган ҳолда машғулоти кузатамиз. Жажжи қизалоқ оқ қоғозга баланд тоғлар, арчазорлар, қир-адирлар манзарасини туширяпти. Ёнидаги тенгдоши эса яйловдаги кўй-кўзилар, варақ учираётган болакайларни акс эттиряпти. Улар — Мирзачўл туманидаги 2-мактаб қошида ташкил этилган "Қамалак" кундузги болалар оромгоҳи ўқувчилари. Ёзги таътил вақтида уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Кўрик-танлов асосида ўтаётган тасвирий санъат йўналишидаги кўргазмаларда ўқувчилар фаол иштирок этмоқда. Уларнинг иши тарбиячи ва етакчилар томонидан баҳоланиб, голибларга китоб ва ўйинчоқлар тақдим этилмоқда.

— Кундузги оромгоҳга 125 нафар кам таъминланган ва аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчи жалб этилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Қувонч Абдурахимов. — Ўқувчиларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказиш ва соғломлаштириш мақсадида тасвирий санъат, бадий адабиёт, спорт тўғрисида мунтазам иш-лаб турибди.

Оромгоҳ қошидаги кутубхонада кичкинтойлар ўзлари истаган бадий адабиётларни ўқиш имконига эга. Таассуротлари асосида "Китобим — офтобим", "Китоб сеҳри", "Китоб — болалар учун ҳаёт мактаби" каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Унда ўқувчилар фикр-мулоҳазаларини тенгдошлари билан ўртоқлашмоқда.

— Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг "Сарик девни миниб" асарини ўқидим, — дейди 3-синф ўқувчиси Зарина Солиева. — Ҳошимжоннинг саргузаштлари менга жуда манзур бўлди. Кутубхонамизда турли саргузашт ва эртак китоблар кўп экан.

лоят халқ таълими бошқармаси, туман(шаҳар) ҳокимликлари ва вилоят қасаба уюшмалари бирлашмаси томонидан амалга оширилган таъмирлаш-бутлаш юмушлари якунланиб, 8 та стационар оромгоҳ шай ҳолатга келтирилди. 95 та таълим муассасасида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда ҳам 11850 нафар ўқувчи соғломлаштирилади. — Асосий эътибор ўқувчиларнинг ёзги дам олишларини намунали ташкил

санитария-эпидемиология назорати маркази ҳодимлари жалб этилган.

Масъул педагоглар раҳбарлигида кундузги оромгоҳларда уюштирилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари болаларнинг бўш вақти мазмунли ва мароқли ўтишига ҳамда янги билим ва тушунчаларни ўзлаштиришига ёрдамлашади. Ёш авлод қамолотида муҳим аҳамият касб этаётган ана шу омилдан Поп ту-

## Ҳам мароқли, ҳам мазмунли

Уларни маза қилиб ўқияман.

Иқтидорли ва истеъдодли ўғил-қизлар тўғрисида мустақил равишда турли ўйинчоқлар ясамоқда. Уларнинг ижодий ишларини рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши хунарманд ёки ихтирочи бола" кўрик-танлови ташкил этилган. 4-синф ўқувчиси Азиз Зиедов бу танловда голиб чиқди. У ясаган самолёт барчага манзур бўлди.

\*\*\*

Бу йилги ёзги таътилни 17250 нафар наманганлик ўқувчилар вилоятнинг энг соя-салқин туманларида жойлашган дам олиш оромгоҳларида ўтказади. Айни кунда аксарият оромгоҳларда болаларнинг яйраб дам олиши ва саломатлигини тиклаш учун керакли шарт-шароит яратилди. Ви-

етиш, бўш вақтларини мазмунли ҳамда кўнглини ўтказишига кўмаклашишга қаратилмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хайрулла Абдурахимов. — Халқ таълими тизимининг барча ҳудудий бўлимлари ва бевосита таълим муассасаларида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мавсум мобайнида 1 та интеллектуал ривожлантириш, 3 та ўлкашунослик, 2 та экологик-биологик, 1 та техник-ижодий, 1 та ижтимоий мослашув ва 1 та бадий ижодий оромгоҳи фаолият юритади.

8 та стационар оромгоҳга 114 тарбиячи-педагог ва 16 нафар тиббиёт, 8 нафар ички ишлар ва 8 нафар ФВБ ходими бириктирилган. Мавсумни хавф-хатарсиз ўтказиш учун давлат

манидаги 7-мактаб ўқувчилари ҳар йили самарали фойдаланади.

— "Ёз—2017" концепцияси бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва айни кунда шу асосда кундузги оромгоҳ фаолияти ташкил этилмоқда, — дейди мактаб директори Феруза Бобоҳўжаева. — Худудимиздаги 7-, 8-, 32- ва 36-мактабларнинг ҳар бирини 50 нафардан ўқувчи жалб этилган. Болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ва саломатликларини назорат қилиб боришга жиддий эътибор беряпмиз. Спорт залидаги шароит, мактаб қошидаги АРМ имкониятлари ўқувчиларга жуда манзур бўлмоқда.

Таниқли ижодкорлар ва санъаткорлар, спортчилар

билан учрашувлар ҳам уларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

— Уч йилдан буён таъвилонда билан шуғулланаман, — дейди 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Феруза Мирзааҳмедова. — Таътил пайти машқ тўхтаб қолмай, деган ҳақиқат эдим. Аксинча, оромгоҳда шу тур бўйича спорт тўғрисида бор экан, машғулотларни изчил давом эттиряпман. Бу ер бахаво, салқин. Энг муҳими, кўшни мактаблардан келган тенгдошларим билан танишдим, янги дўстлар орттиряпман.

Чустнинг хушманзара Оғасарой қишлоғида жойлашган "Барқамол авлод" оромгоҳида ҳар йили тўрт сменада 160 нафардан ўғил-қиз дам олади. Айни кунда бу ер ҳам ташкилотчиларнинг саъй-ҳаракати билан сифатли таъмирланди. Кўркам қиёфали 5 та ётоқхона, ошхона, тиббий хизмат ва маънавият хоналари зарур меъмор ва бошқа жиҳозлар билан тўлдирилди.

— Кўшни Поп ва Мингбулоқ туманларидан ҳам ўқувчиларни қабул қиламиз, — дея таъкидлайди оромгоҳ директори Мунира Абдуллаева. — Мавсум олдида катта ҳажмдаги тайёргарлик ишлари бажарилди. Электр, ичимлик суви етказиб бериш узлуксизлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Захира мақсадида дизель ёнилғисига ишлайдиган генератор ўрнатилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,  
Ганишер АКБАРОВ

## Китобхонликда таътил бўлмайди

Ўқувчиларни тизимли равишда китобхонликка ўргатиш уларнинг бадий адабиёт, билимлар хазинаси билан ошно бўлишини таъминлайди.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчиларни бошланғич синфларданок бадий адабиёт ўқишга ўргатиш тизимли йўлга қўйилган. Ўқувчилар ўқув йили давомида мактаб кутубхонасидан белгиланган жадвал асосида фойдаланса, айни таътил кунлари "Адабиёт гулшани" тўғрисида иштирок этиб, янги китоблар мутолаа қилишапти.

— Кутубхонамиздаги 704 та болалар адабиёти, 4587 та бадий адабиёт, 125 та рисола



ва лугатлардан таътил даврида ҳам самарали фойдаланиш учун 3-, 4-синфлар ўртасида "Ўзбекистон фарзандларимиз" мавзусида ифодали ўқиш танлови ўтказдик, — дейди "Адабиёт гулшани" тўғрисида раҳбари, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017" кўрик-танлови она тили ва адабиёт фани бўйича Тошкент шаҳар босқичи голиби Ҳилола Узоқова. —

5-синфлар ўртасида "Ким кўп мақол билади?" танлови, 7-синфлар ўртасида "Ота-онам билан биргаликда китоб ўқиймиз" марафони ҳам қизгин кайфиятда ўтди. Таътил кунларида бу каби танловларнинг ўтказилиши ўқувчиларнинг ёзги мароқли ўтказишини таъминлайди.

МУХБИРИМИЗ  
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Ўқув йили якунланди. Ўқувчилар таътилни мазмунли ўтказиши учун имкониятлар кенг.

Оёқ кийимини таъмирлатиш учун косиб устахонасига бордим. Устахона очик, атрофи сув сеппиб, супурилган, озода. Устани қақирдим. Ичкаридан "лаббай" деб чиққан ўсмирни кўриб, тўғриси, қувониб кетдим. Ахир, у 6-синфдаги ўқувчим Акмалжон-ку! У "Келинг, устоз" дея қарши

## Устага шогирд тушган ўқувчиларим

олди. "Устага шогирд тушдим", деди кўзлари қувнаб. Қўлимдаги оёқ кийимни олди, эпчиллик билан тузата бошлади. Унинг ҳаракатларида устага хос синчковлик, эпчилликни кўрдим. Қисқа вақтда косибликка меҳр қўйганини қаранг...

Устахона ёнида саргарошхона. Ўқувчиларимдан бири мижозларга елиб-югуриб хизмат кўрсатмоқда. Уйга қайтарканман, машина тузатадиган устахонада 5-синф ўқувчиси Бекмуродни кўриб қолдим. Қисқаси, бекор юрган боланинг ўзи йўқ.

Ёзги таътилни беҳуда ўтказмасдан, хунар ўрганаётган ўқувчиларимдан мамнун бўлдим.

Моҳидил ХУШВАҚТОВА,  
Избоскан туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси

2017-yil 14-iyun, № 47 (9008)

## Яхши иш ўрни

малакали мутахассисни излаб топади

Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи жамоаси билимли, юксак салоҳиятли, бир неча касб-хунар сирларини пухта эгаллаган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, коммунал соҳа ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганишга жиддий қарайди. Шу аснода қўли гул усталарни тайёрлаб, коммунал соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишига улкан ҳисса қўймоқда. Жорий йил аввалида "Марказгазтаъминот" унитар корхонасининг "Самарқандшаҳаргаз" филиали Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежига мутахассис сўраб мурожаат қилганди. Сўровга жавобан, ушбу ўқув йили якунида коллежининг 14 нафар битирувчиси мазкур корхонада ўз меҳнат фаолиятини бошлайди.

Айтиш жоизки, саккиз йўналишда транспорт ва коммунал хўжалик бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган мазкур коллежда ўқувчиларга пухта билим бериш билан бир қаторда, касбий кўникмасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ёшлар назарий билимларини коллежнинг амалиёт хоналаридаги махсус машғулотларда мустаҳкамлаб боради. Бунинг учун коллежда етарли шарт-шароитлар мавжуд. Иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилгани ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини юқори савияда ўтказишида муҳим омил бўлмоқда.

— Жорий ўқув йилида коллежимизни 346 нафар ўқувчи битиради, — дейди коллеж директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Дилором Маматқуллова. — Айни пайтда уларнинг дипломолди амалиётини ташкил этиш ва шу орқали ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги, иш берувчи, битирувчи ва ота-оналар ўртасида тўрт томонлама шартнома тузиш ишлари олиб борилмоқда. Эътиборлиси, биз билан ҳамкорлик қилиш истагидаги корхона ва ташкилотлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Жумладан, вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси, "Автотехизмат" АЖ, "Алпомиш" МЧЖ, 2514-автожамланма, "Алишоҳтранс" МЧЖ, "Меъморқурилиш" МЧЖ, "Самарқандшаҳаргаз" филиали, "Самарқанд уй-жой таъмир" давлат унитар корхоналари билан битирувчиларимизнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Талаб ва тақфил фаолият самарадорлигини таъминлайди. Шу маънода, бугунги кун талабига мос мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Жорий ўқув йилидан эътиборан коллежда юқлаш ва юк тушириш машиналари машинистти ҳамда санитария тозалаш махсус машиналари жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича техник-механик мутахассисликлари бўйича гуруҳлар ташкил қилинди.

— Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик мутахассислиги сирларини ўрганилган, — дейди коллеж ўқувчиси Усмон Умаров. — Назарий билимларимизни ўқитувчи-мураббийларимиз назоратида амалий маш-

ғулотларда қўллаяпмиз. Яқинда дипломолди ишлаб чиқариш амалиётини бошлаймиз. Назарий ва амалий дарслар уйғунлиги ишлаб чиқариш амалиётини муносиб ўташимизга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу имкониятдан фойдаланиб, бизга билдирилган ишонччи оқлашга, амалиёт давомида билим ва маҳоратимизни кўрсатиб, иш

### Milliy dastur — amalda

жойимизни тайин қилишга интиламиз.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантиришга қаратаётган юксак эътибор туфайли ўз бизнесини йўлга қўйган ёш тadbirkorлар иқтисодийимиз раванқига муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни жиҳатларни инобатга олган ҳолда мазкур коллежда ҳам битирувчиларни тadbirkorликка йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Битирувчи бандлигини таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидан, — дейди коллежнинг "Қамолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Содик Мамаражабов. — Бу борада "Қамолот" ЁИХ томонидан ўтказилаётган қатор лойиҳалар, танловлар ҳам муҳим аҳамият касб этапти. Семинарлар орқали ўқувчилар бизнес режа тузиш, тadbirkorлик фаолиятини юртиш учун бошланғич зарур кўникмаларга эга бўлмоқда. Шунингдек, лойиҳаларни молиялаштириш бўйича коллежимизга бириктирилган "Савдогарбанк" АТБ вилоти филиали билан ҳамкорликда мунтазам тарғибот тadbirkorларини ўтказаяпмиз. Натижада ўтган ўқув йилида 5 нафар битирувчимиз ўз бизнесини йўлга қўйди. Жумладан, Руфат Қаршиев 20 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан мебель ишлаб чиқариш цехини ишга тушириб, оила аъзолари билан бирга, маҳалласидаги бир неча ёшларни иш билан таъминлади. Тadbirkorлик фаолиятини самарали юритаётган Руфат каби ёшларга ҳавас қилган бу йилги битирувчиларимизнинг кўпчилиги тadbirkorлик билан шуғулланишни мақсад қилмоқда.

Кези келганда коллеж билан боғлиқ яна бир янгиликни айтиш ўринли. 2017—2018 ўқув йили учун коллежда умумий ўрта маълумот (11-синф) ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга ёшларни тўлов шартнома асосида мавжуд мутахассисликларга ўқишга қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Абдухошим ЗИЁДОВ

Самарқанд вилоти

Учтепа миллий хунармандчилик касб-хунар коллежиди кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш, заргарлик буюмларини безатиш, бадиий либосларни лойиҳалаш, бадиий ёғоч ўймакорлиги, бухгалтерия ҳисоби, ошпазлик соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланади. Замонавий ўқув қуроллари, ишлаб чиқариш ускуналари ва технологиялар билан жиҳозланган махсус фан, лаборатория, компьютер хоналари ва ўқув устахоналари ўқувчилар хизматида.

## Ҳар ҳунарнинг бир гашти бор...



Биз касб-хунар коллежи ҳаёти билан танишиш давомида таълим муассасасида ўғил-қизларнинг ҳунар сир-синаотларини ўрганишига, сифатли ва замонавийлар яратилаётганига амин бўлдик. Ўқув устахонасидаги жараён билан танишиб, ўқитувчи ва ўқувчиларни суҳбатга чорладик.

### "Шу касбга қизиқиб қолдим..."

— Жорий ўқув йилидан бошлаб ушбу коллежнинг бадиий ёғоч ўймакорлиги йўналишида таълим олиб, касб-хунар ўрганилман, — дейди Худойназар Холматов. — Ҳозир ўн икки хил гул чизмаси устида ишлаётирман. Шунинг баробарида ёғоч ўймакорлиги сир-синаотларини ўзлаштиряпман. Бунда устозларим Баходир Мирзаев, Дилбар Нигматжонованинг ёрдами катта бўлмоқда. Уларнинг ёғоч ўймакорлиги, тасвирий санъат тарихи ва лойиҳалаш фани сабоқларини қизиқиш билан тинглаймиз. Дарсларда ва дарсдан сўнг ахборот-ресурс марказимиздаги китоблар, электрон дарсликлар ва "ZiyoNET" дан бемалол фойдаланиб, ўзимизга керакли маълумотларни оляймиз.

Бадиий ёғоч ўймакорлиги йўналиши 3-босқич ўқувчиси Одил Анваров "Ёшлар ижод саройи"да ўтказилган хунармандлар кўргазмасида ўзи ясаган буюмлар, хусусан, лавҳ, лаган, сандиқча ва қутчалар қатнашчиларга маъқул бўлганини ўзгача гуруҳ билан сўзлайди. Айни пайтда янги ишланмалар яратиш мақсадида тасвирий санъат, тарихга доир адабиётларни ўқиётганини қайд этади.

Касбга қизиқиш, бирор хунарни эгаллашга ҳавас оиладаги муҳитга бевосита боғлиқ. Заргарлик буюмларини безатиш йўналиши 2-босқич ўқувчиси Акбар Муроджўяев бу ху-

суда шундай дейди: "Ўйда, маҳаллада заргар акамнинг юмушларига қарашиб юриб, айнан шу касбга қизиқиб қолдим ва ҳеч иккиланмай Учтепа миллий хунармандчилик касб-хунар коллежини танладим. Ҳозирги кунда тилла тақинчоқлар ясаш бўйича малака ва кўникмаларимни ривожлантириб боряпман. Шу билан бирга, математика, геометрия, она тили, тарих фанларини чуқур ўзлаштиряпман. Геометрик, математик ечимлар устида ишляпман. Бу билимларим келажакда бежирим узук, зиракларни ясашда асқотиши тайин".

### Сўзанади уй, каштали кийим — миллийлигимиз нишонаси

Ўқув муассасасининг 3-босқич ўқувчиси Нодира Акбарова каштачилик йўналишига меҳрини шундай изоҳлайди:

— Кашта тикиш сеvimли машғулотларимдан, нафақат либосга, балки хона, уй интерьерига, ҳар қанақанги бурчакка оддий бир кашта, ислимий нақшлардан бирини бадиий безак сифатида қўйсангиз, унинг чиройини очади, хонадонга ўзгача файз бахш этади. Каштачилик азалдан юксалиб келган. Келажакда ҳам ўз ўрнини йўқотмаслиги аниқ, Биласиз, каштачилик тарихи узок-узокларга бориб тақалади. Момоларимиз бу борада жуда моҳир бўлишган. Фарзандлари, невараларига бу хунар сир-сина-

атларини ўргатишган, хунарли ҳеч қачон хор бўлмаслигини ўқитишган. Сўзана тутилган уй, каштали кийим, умуман, кашта маҳсулотлари киши кайфияти ва руҳиятини кўтаришини яхши билишган. Сўзанаки қизларнинг маҳоратини, келинларнинг зeb-зийнати кўз-кўз қиладиган буюм дейиш ҳам мумкин. Айни пайтда сўзана тикиш сирларини пухта ўрганилман. Бундан ташқари, миллий санъатимиз сирасига кирувчи уй безакларидан дорпеч ҳамда миллий либосларимизга ислимий безаклар бериш, дастурхонга нақш тушириш, замонавийлик ва миллийлик уйғунлигиде кашталар тикиш борасида изланиш олиб боряпман.

### Мўъжиза яратишга қодир ёшлар

Касб-хунар коллежининг фаол ўқувчиларидан Шоҳсанам Сайдуллаева, Ниҳоят Ғуломиддинова кенг ассортиментдаги кийимлар моделиери касбига қизиқиши бандлиги, бу борада коллеждаги устозлари ёрдам бераётганини таъкидлашади.

— Санъатнинг деярли барча турларига қизиқман, — дейди Шоҳсанам. — Келажакда бежирим либослар яратиш бораборида кўшимча бир неча ихтисосликларни эгаллаш ниятидман.

— Касбим тақозоси билан ўғил-қизлар ўқишини, юриб-туришини, қайси ўқувчи қандай хунарни чуқур ўрганаётганини кузатиб юраман, — дейди касб таълими устаси Дилбар Нигматжонована. — Кузатиш асосида ўқувчиларнинг яна қандай хунарни кўшимча тарзда ўрганишни хоҳлашини сўрайман. Кўпгина ёшларнинг билим олиш, касб-хунар эгаллаш, жамиятдан ўзига муносиб ўрин олиш йўлида изланаётганини кўриб қувонман. Тўғарақларда, нақш гуллари ва композициясини яратиш машғулотларида ўқувчиларни нафақат чизиш, лойиҳалаш, балки буюк ишларни амалга оширишга, мўъжиза яратишга қодир эканини айтиб руҳлантираман. Натижада улар ўқув жараёнида сунт тингловчи эмас, фаол иштирокчи айланади.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ, "Ma'rifat" муҳбири

Эсингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 20 май сонида психология фанлари номзоди, доцент Умарали Қодировнинг "Уттиш даври"даги мураккаблик: ўсмир тарбиясига жиддий ёндашувни талаб қилади" сарлавҳали мақоласини эълон қилган эдик. Кўйидаги мулоҳазалар шу мақоланинг узвий давоми бўлиб, ўсмирлар ўртасида учрайдиган ўз жонига қасд қилиш сабаблари таҳлил этилади, бундан бартараф этиш юзасидан тавсиялар борики, педагог-мураббийларга ўсмир билан иш олиб боришда қўл келади.

Кўпинча "Ўткинчи" деб тавсифланган ўсмирлик даврида организм, асаб тизими оғир ва узок вақт давом этадиган руҳий таъсирларга бардош бера олмайди. Бундай ҳолатда асаб тизими тормоқланган ҳолатига тушиб қолган бўлиши мумкин. Бундан организмнинг ўзига хос химия механизми сифатида баҳолаш керак. Ўсмирнинг нафақат билан, малака эгаллаши, балки ҳаётда зарур бўладиган маслак, эътиқод, эҳтиёж мотив, ижтимоий мулоқот кўникмаларини шакллантириб бориши ҳам бу ўринда муҳим саналади.

Ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси бошқа давлатларга нисбатан Ўзбекистонда кўп учрамайди. Бори ҳам ўсмирлар томонидан содир этилмоқда. Ҳаётга эндигина кириб келётган фарзандларимизнинг аянчилик тақдир мутахассислар ва кенг жамоатчиликни ўйлан-тириб келётган жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Муаммонинг юзага келиш сабаблари етакчи психолог олимларимиз томонидан тадқиқ ва таҳлил этилганда, ўсмирларга тегишли кўйидаги жиҳатлар аниқланган:

- 1) Айримлар дўсти, таниши, ота-онаси ёки бошқа сеvimли кишиси билан зиддиятга борғач, ўз жонига қасд қилади;
- 2) Маълум бир кишини кўрқитиб, "популунни пасаитириб" қўйиш учун маънавий қашшоқ, ҳуқуқий саводхонлиги паст ўсмир суициднинг қандай оқибатларга олиб келишини билмай туриб, ўзини ўзи ҳалок қилади (аслида, унинг мақсади бу ёруғ олам билан хайрлашиш бўлмаган);
- 3) Пул, мол-мулк, қимматбаҳо буюмларни таллашиб, суицидни танлаш;
- 4) Баҳор, куз фаслида руҳий касалликлар ҳужум қилиши натижасида ёки беш мияда турли ўзгаришлар рўй бериши (айрим ҳавфли ўсма касалликлари ривожланса), суицидга қўл уради (бу тоифадаги шахсларда галлюцинация ҳодисаси кузатилади);
- 5) Кутилмаганда қучли руҳий зарба олгани учун шу йўлни танлаганлар ҳам учрайдиган;
- 6) Ҳаётдаги турли муаммолардан чарчаб, депрессия ҳолатига тушган, тушқунлик ёки жанжал, тушунмовчиликлар сабабли юзага келадиган аффект (ўзини идора қилолмай қолиш) тўғрисида ҳам суицид содир этилиши мумкин;
- 7) Турли деструктив ғоялар таъсирига тушганлар ҳам шу йўлни танлашди. Интернетда ўзини ўлдиришни тарғиб қилувчи минглаб сайтлар, турли ижтимоий тармоқлардаги муайян гуруҳлар, инсон онгига салбий таъсир кўрсатувчи кинофильмлар, "оммавий маданият"нинг турли кўринишлари, ҳар хил секталар фаолияти ёшлар ва ўсмирлар орасида бу ҳолатнинг учрашига сабаб бўлмоқда;
- 8) Мамалякатимизда турли ташкилот, корхона, муассаса, таълим даргоҳлари, оилага кўмаклашувчи психолог хизмат марказлари фаолиятининг етарли даражада йўлга қўйилмаганиги, малакали психологларнинг етишмаслиги кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар сифатининг пастлигига сабаб бўлмоқда.

Ўз жонига қасд қилганларнинг 25—30 фоиздан ортиги руҳий жиҳатдан соғломлиги аниқланган. Ўсмирнинг гўзал ҳаёт тўғрисидаги тасавури фильмлар ёки айрим тенгшоларининг яшаш тарзи натижасида шаклланади, лекин беш қўл баравар эмас. Ҳамманинг даромади ҳар хил. Аслида, ота-она камроқ пул топса-да, бунинг замирида бир умрлик

меҳнат ётганлигини қўлим тўғри англа-са, тўғри қарор қабул қила олади. Унга бу тушунгани ота-она ётиги билан уқтирса кифоя. Суицид содир қилганларнинг аксарияти ёшлиқдан ювоши, юмшоқтабиат, мулоийм, мўмин-қобил, индамас болалар ҳисобланади. Улар ўз дардини "ичига ютиши" билан ажралиб туради. Демак, қийинчиликлар билан курашиш қобилияти уларда болалик давридан бошлаб ривожланмаган.

# Ўсмирни

## Ўсмирни стимизациядан асранг

Ўсмирнинг одамовилиги педагогни ташвишлантирадиган жиҳатлардан биридир. Аслида, унга осон тутиб бўлмайди: ёш билан боғлиқ инқирозни бошдан кечираётган фарзандимизда тенгдошлари, ота-онаси билан бўладиган муносабатларни тўғри йўлга қўйиб олиш, жамиятга мослашиш заруряти юзага келгани рост. Ўзгариб, индамас, одамови, қўпол ёхуд сержақ бўлиб қолган ўсмир педагогни асабийлаштирмаслиги керак. Кўпинча умумтаълим фанларини ўзлаштира олмаслик боланинг одамови бўлиб қолишига сабаб бўлади. Айрим ўқитувчилар у ҳақда дарвор салбий ҳулосага келиб қўядилар. Ота-она ҳам фарзандининг икмонияти, салоҳиятига шубҳа билан қарайдди, агар педагог бу камчилики боланинг юзига солса, унда ўзини ўзи паст баҳолаш даражаси, норасолик, ноқислик хисси шаклланади. Инсонга турли салбий "ёрлик"лар ёпиштириларёсан, унинг қўлидан ҳеч нарса келмаслиги айтиларёса, бора-бора унда стимизация (ўзига паст назар билан қараиш) тўғриси пайдо бўлади. Ота-оналар бундай вазиятда масаланинг ичига чуқур кирмай туриб, ўқитувчи томонга ўтиб олишади. Ўсмирга босим ўтказишни бошлайдилар. Ёхуд аксинча, боланинг фариштадек поклиги, унда ҳеч қандай муаммо йўқлигини айтиб, таълим муассасасини айблайдилар. Бу ўринда ҳар икки ҳолат ҳам мақбул эмас, ақл билан иш тутадиган ота-оналар оралик йўлни танлайди, яъни фарзандини химоя қилиб, ўқитувчининг тавсияларини инобатга олади.

## Импатик муносабат

Педагоглар кўпинча болага импатик муносабатда бўлмайди, яъни унинг ўрнига ўзини қўйиб кўрмайди. Халқимизда шундай нақл бор: танаси бошқа дард билмас. Улар бир пайтлар ўзлари ҳам ўсмир бўлганини эсдан чиқаришган, бунга гўёки "ахборот асри"ни сабабчи қилиб кўрсатадилар. Умуман олганда, ҳар икки омил ҳам ўринлидек. Болалик, ўсмирлик таассуротлари вақт ўтиши билан аста-секин унутила боради. "Муаммосиз фарзанд" бўлганликларини таъкидлашни хуш кўрадиган кишилар қачондир ўз ота-оналарни билан ораларида ихтилоф, ўзо келиб чиққанини ёдга олсалар, ўзил-қизларини осон тушуниб олишлари мумкин — бу масаланинг бир жиҳати. "Оталар ва болалар муаммоси" доимо кузатилаганига қарамай, давр билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага келмоқда. Дейлик, юз ёки икки юз йил илгари аждодларимиз бир хил тарзда, бир залда яшаган бўлса, ҳозир тамаддун ўзгаришлари, илм-фан ютуқлари инсон ҳаётига таъсир этмасдан қолмапти. Ёшларни

цивилизация унсурларидан холи тасаввур этиб бўлмайди, улар бу борада ота-оналарига нисбатан илғор. Ҳозирги даврга ҳам хос яна бир ҳолат — каттиққўллик, авторитар тарбия усули бундан 25—30 йиллар илгари ўз самарасини берган бўлиши мумкин. Бироқ ҳозир бу ёндашув билан бола тарбиялаш ўзини оқламайди. Бугун кишидан муваффақиятга эришиш учун стандард вазиятларга дарҳол мослаша олиш, музокара ўтказиш, мулоқотга тез киришиш кўникмалари талаб этилади. Бу кўникмани болада шакллантириш, аввало, педагогларимиздан нозик дид, ўткир фаросат, бой тажриба талаб этади. Авторитар тарбия усулида эса бундай сифатларни макссадга мувофиқ тарзда юзага келтириш анча қийин.

Тарбияда натижа, самарага эришиш учун фақат эркалатиш, рағбатлантириш

# қоғридан асрайлик!

эмас, балки жазолаш (биз бу ерда жисмоний таъийқ ўтказиш, тан жазосини назарда тутмай)нинг методларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланиш аждодларимиз ҳаётига мазмун бағишлаган.

## "Биз" ва "улар" орасидаги муносабат

Ният ва орзуларнинг беқарорлиги, макссаднинг ноаниқлиги, ўзгалар фикрига нисбатан тоқатсизлик, шошқалоқлик ёшлик даврига хос руҳий-эмоционал ҳолатлардир. Бундай сифатлар ўсмир ва ўспиринларнинг ота-онаси ва ёши улуг яқинлари билан маслаҳатлашиш, фикрлашиш эмас, балки ўзига ўхшаганларни топишга интилиш хиссини кучайтиради. Ёшлар учун ижтимоий мансублик, мулоқот жараёнидаги эҳтиётларини қондара олувчи гуруҳларга бирлашиш мақбул йўл ҳисобланади. Бундай гуруҳларда ўзига хос маданий метёвр ва йўл-йўриқ(установ)қалар, қадриятлар қарор тоғлан бўлиб, "биз" ва "улар" деган психологик қарама-қаршиликни ифодолувчи тушунчалар ўсмир оламини муайян ритмга солиб кўяди. "Биз" — ёшлар ва "улар" — ёши улуг инсонлар ўртасидаги ихтилоф шунинг учун ҳам кўзга аққол ташланиб туради. Бундай қарама-қаршилиқ ўсмир ёки ўспириннинг ўзига ёққан муносиқани тинглаши, сўзлашув жараёнида жаргон ва адабий тилга хос бўлмаган турли ибораларни қўллаши, сўнгги урфдаги кўйимларни кийишига интилишида намоён бўлади. Бу уларнинг муайян маънода катталар гуруҳида акралиб туришга нисбатан пайдо бўлган ҳолат-хоҳиши натижасидир. Бироқ кейинчалик ёшларда катталарга нисбатан муҳолифлик ҳусусияти кучая боради. Деструктив ғоя ҳамда мафкура вакилларининг мохирлик билан олиб борадиган тарғиботи, ёшлар онгининг тўла шаклланмаганлиги, маълумот, ахборотни танқидсиз ва таҳлилсиз қабул қилиши натижасида ҳатто экстремистик ва террористик кайфиятдаги гуруҳ ва уюшмалар вужудга келиши мумкин. Экстремистик кайфиятдаги ёшларнинг "биз" ва "улар" тушунчалари асосида инсонларни ажратилишда энди ёш эмас, балки етакчи қадриятлар асосий ўрин тутайди.

Нега ёшлар ёт ғоялар таъсирига тез берилади? Ижтимоий, сиёсий психология соҳасида тадқиқот олиб бортган олимларнинг таъкидлашича, ёт ғояларнинг фаол тарғиб қилиниш натижасида ёшлар онгининг ўзига хос, экстремал тип шаклланади. Бу типдаги ёшларда бўрттирилган мазмундаги макссадга кўр-кўрона интилиш билан боғлиқ ақидапарастлик (фанатизм), ҳақиқатни тан олмаслик ва қийинчиликлардан қочиб-да намоён бўлувчи нигилизм (ҳар қандай метёвр, тамойил ва қонунларни инкор этиш) ёрқин ифодаланган

бўлади.

Инсон умри фаслларга бўлинади: болалик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёш ва қарлик. Айниқса, ўсмирлик даврида келажак, эртанги ҳаёт ҳусусида мушоҳада қилиш, онгининг қадриятларни аниқлаштиришга қаратилган фаолияти биринчи ўринга чиқади. Ёши улуг кишилар устувор деб ҳисоблаган қадриятлар ёшлар томонидан қайта таҳлил қилинади, баъзан инкор ҳам этилади. Улар мавжуд ижтимоий-маданий метёврлар, талабларни ўз қаричи билан "ўлчаб" кўриб, кўп ҳолларда ҳафсалалари пир бўлади. Беқарорлик, аксарият ҳолларда тасаввурдаги лунча ҳаётий шарт-шароитларнинг мос келмаслиги уларда рад этиш ҳиссини пайдо қилиб, баъзан нотўғри ҳулоса чикаришларига сабаб бўлади.

# Mutaxassis minbari

## Суициднинг олдини олиш

Кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш учун бир қатор долзарб вазифаларни амалга оширишимиз лозим. **Биринчидан**, руҳий касалликка чалинган ва бу вақти-вақти билан намоён бўлиб турувчи шахсда баҳор ва куз фаслларида психосоматик кўзгалишнн ҳисобга олган ҳолда уни авитаминоз, кўб ўрадиацияси, кунларнинг кескин исииши, об-ҳаво, атмосфера босимининг ўзгариб туриши, коинотда кузатилаётган магнит ва кўёш тўфонларидан сақлаш зарур. Табиат кўйида дам олиш(лола сайли, балик ови, тоғларга чиқиш, қўзиқорин териш ва бошқалар)ни уюштириш, қадимий, тарихий ёдгорликлар зиёратига бўлиш, муқаддас қадамжоларга, театр, музей ва кўргазмаларга бориш ўсмир кайфиятини кўтарайди.

**Иккинчидан**, оила институтини мустаҳкамлаш, суицидлар сонини кескин камайитириш макссадида маҳалла фуқаролар йиғини ёки ҳар бир туман ҳокимлигига оила психолог штатини очиб, фуқароларга доимий руҳий-психологик ёрдам кўрсатиши зарур.

**Учинчидан**, психолог мутахассислар билим салоҳияти ва тажрибасидан мактаб, академик лицей, касбунах коллежлари ўқувчилари тарбиясига фойдаланиш, оилавий муносабатларни соғломлаштириш, турли низо ва зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган махсус семинар ва тренинглар ўтказишда психологлар ёрдамига таяниш лозим.

**Тўртинчидан**, радио ва телевидение орқали вилот ва республика миқёсида "Ҳаёт — энг улуг нёзмат", "Психолог соати", "Психолог маслаҳати" мавзуларида кундалик кўрсатув ва эшиттиришлар олиб бориш ҳамда илмий-оммабон нашрлар, буклетлар орқали аҳолини илмий-назарий билимлардан хабардор қилиш.

**Бешинчидан**, яратилаётган бадиий адабиёт ва сахна асарларида суицид билан боғлиқ лаҳзалардан имкон қадар воз кечиш мақсадага мувофиқ дид.

**Олтинчидан**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар "Аҳолининг психологик саломатлиги ҳақида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишлари умуммиллий вазифалардан биридир. Германияда худди шундай қонун анча йиллардан бери ишламоқда. Россияда "Аҳолига психотерапевтик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонун мавжуд.

**Бу борада ўқитувчининг зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкланади.** Унинг таълим олувчилар билан муносабати ўзаро ҳурмат, хайрихоҳлик асосига қурилади. Суициднинг олдини олиш учун ўқитувчи болада ўз кучи ва имкониятларига ишончни шакллантириши, унда неқбинлик (оп-

тимизм) ва истикболга умидни уйғотиши, ҳамдардлик ва ўзгаларни тушуниш хисларини ривожлантириши, боланинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори, ўртоқлари билан муносабатини кузатиб, тегишли ҳулоса чикариши керак. Ўқитувчилар, айниқса, синф раҳбарларининг ўз ишига совуққонлик билан, юзаки муносабатда бўлишлари, боланинг муаммолари тўғрисида тасаввурга ҳам эга бўлмаслиги салбий оқибатларга олиб келади. Мутахассислар — ижтимоий соҳа вакиллари, санъаткорлар, эл севган, таниқли кишилар, уломолар маҳалла (жамоа)ларда кишиларда кўтаринки кайфиятни кучайтиришга, келажак, истикболга ишонч, ижобий мотивацияни шакллантиришга хизмат қилувчи тадбирларни фақат ҳисобот учун эмас, балки жонли, аудиторияни қизиқтира оладиган шаклда ўтказишга эътибор қаратишлари керак.

Психолог-педагогик мазмундаги барча илмий-назарий тадқиқотлар замирида давлат, жамият, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга ошириладиган вазифалар акс этиши ва улар тизимли ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиши зарур. Афсуски, ҳозирги вақтда ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг яхлит тизими ишлаб чиқилган, деб бўлмайди. Муваффақиятга эришиш ва гуллаб-яшнаш идеали, бу борадаги мавжуд тасаввурлар ҳозирча ёшларга хос бўлган хулқ-атвор стереотилига тўла мос тушмайди, ёшларнинг айрим хатти-ҳаракатлари, айниқса, улар маданиятининг баъзи жиҳатлари катта авлод вакилларини тўлиқ қониктирмапти. Лекин айнан шу қоникмаслик хиссини ифодалаш ўрнига ёш авлодга англаган ёки англамаган ҳолда таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлган катталар, психологлар, педагоглар, ота-оналар сабр, чидам, бағрикенглик, меҳр-муҳаббат туйғуларини намоён этсалар, ўсмирлар, ўспиринлар, йигит ва қизлар билан олиб бориладиган комплекс психологик-педагогик жараён ўз натижасини бериши, шубҳасиз.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кўйидаги фикрлари биз таҳлил қилган долзарб масаланинг жамият ҳаёти учун нақадар аҳамиятли ва унинг ҳал этилиши давлат сиёсати даражасида эканини аққол ифода этади: "Маънавий-маърифий соҳада олтимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифамиз — юксак маънавиятни, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касбунахларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат хиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий аънаваларимизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтираемиз. Бу борадаги сиёсатимиз янги қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун талаблари асосида қатъий давом эттирилади!"

Умарали ҚОДИРОВ, Сурхондарё вилоти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори, психология фанлари номзоди, доцент

# Бахт сўрай десам... уялдим

"Бахтли бўлмасликка ўзини ўргатдим...". Ғалати ҳукм. Қайдадир қулониғма чалинди — радиодами ё шоирлар гурунгида эшитдимми — қаерадир ёзиб қўйиш керак. Таваба, бахтли бўлмасликка ҳам ўзини ўргатса бўлдими? Ҳамма олди-ортига қарамай зиғирдаққина бахтни излаб юрган айни замонда бундай ҳукминг янграши мудроқ сезиларли ўйготаркан. Шу чоққа довур бахтсизликни ихтиёр этаналар фақат китобларда, кўҳна достону ривоятларда, тирик жон бунга ҳавас қилармиди, деб юракканман. Кўнгли кўрмагур чимдом бахт дарагини эшитса, қандай яшнайдю... Қизиқ, муҳаббат билан нафрат ораси бир қадам деганларидек, бахту бахтсизлик ўртаси ҳам шунча экан. Албатта, инсоннинг ўлчовига қараб. Ҳар йили осмонўлар иморатлари билан мақтангучи ўлжалар ўз диёридаги одамларининг бахтлими ёки йўқлигини аллақайси мезонларда текшириб, ўлчаб боради. Бекор эмас-ов! Мана, бизда шунча бахтлию, шунчагина бахтсизлар бор экан, деб. Ҳой, ўқиб ўқмаган олим, одам қачон бахтининг тўқис рангини кўрибдю, бахтсизлик таъминини тузукроқ топиб билибди, дегувчи йўқ. Соқоли кўксига тушган ёзувчи бир китобининг бошланмасида: "Бахтли одамларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Бахтсизлари эса ўзича бахтсиз", деганди. Буюм бахсли ҳукм. Эҳтимол, четдан кузатганда бахтлилар бир-бироридан ранг олиб, туси тусига тортар, бироқ ичидан-чи, ичидан ҳаммасининг ўйи, қарчи бошқа-бошқалиги сезилиб қолади. Кўпчиликдан сўрадим, айримлардан ижжиқалаб сўрадим: Бахт нима? Бахтсизлик-чи? Бахтлилар кўпми ёки бахтсизлар? Бахтли бўлиш осонми ёки бахтсиз? Эҳ-ҳе, бу мавзуда тиш ёрмаган дурустроқ экан. Шунда тасаввуримдаги яхлит доирага чиқиқ тортмай, ҳаёлларим синиқ шишадек сочилиб кетмасмиди!

## Izhor

Энг аввал муаллимдан сўрадим. Негадир жавоб беришга шошилмади. Пича ўйланган, "Сиз ўзингиз-чи? Бахтлимисиз?" дея тардши ялтпирок кўзойнак ортидан синчков кўзлар қадалди ўзимга. "Аввал бахт нималигини билмасдан, нимадир дейишини қийин, устоз!" дедим борини яширмай. Муаллима бошқаларга ҳам ўша кўзойнақ ортидан синчков тикилди: "Қани, ким айтди?". "Эрталаб ишга шошиб кетиш, ишдан оилага тапшириб қайтиш — бахт дегани шудир-да!" деди орқароқда ўтирган курсдош йигити. "Бахт — соғлигим!" деди бирови. "Болаларимнинг кулгуси, ақли оиланинг мендан розилиги" деди яна бошқаси. Хуллас, ўн бошдан ўн хил жавоб. "Мен сал бошқача ўйларканман", деди муаллима ҳаммадан сўнг. "Менинг назаримдаги бахт — бу бир-бирингизни тушунишингиз! Изоҳлаш шартмасдир. Ҳар ким ўзича тушунигани маъқул!". Муаллима ҳам ажаб гапирди. Одамни тушуниш қийин, муроаса қилган ютади, дея дарсини яқунлади. Тасаввуримдаги бахтининг биринчи парчаси эди бу.

Ўша куни кечқурун уммон ортидаги дугонама почтамага хат жўнатибди. Масофаларнинг яқинлигини қаранг! Агар уни йўқлаб боргудек бўлсам, нақ икки кун йўл юраман, бундай хатлар алмаштиришга-чи сониялар кифоя. Техниканинг камтаринлиги-да бу! У ҳам қорақўз, қорақош дугоналарни сўраб, салом айтишини тайинлаб, муддога ўтибди. Унга ҳам ўша саволларни ёзиб юборгандим. Қизиқ-да, ҳар ҳолда юрт кўрапти, турфа одамлар ичиде яшапти. Сўраш айб эмас! "Бахт билан бахтсизлик нималигини сўрабсан. Қизиқсан-а?! Ўқирдик-ку, ўша сервакки китобларда: "Бахт тилай десам, уялдим: Инсон бошим билан... кичик бақландан!". Эсингдами шу сатрлар? Кимгадир тила бақландани тутиш бахт, бошқасига тешиқ тоғоранинг ўзи етади. Иккиси ҳам нисбий, назаримда. Мен бахтлиман, дея баралла, юрагимдан чиқариб айтгучи одам бармоқ билан санарли. Нимадир, ҳа, нимадир етишмаётгандек, кўнгли кемтиқлигича қолаётгандек сезаверади ўзини. Аҳ, шунга ҳам эди-я, шуги-нага эришсам, армоним қолмасди, деб ямоғини бутлашга шошаверади, шошаверади, охири ўшаним бой бе-

санг ҳам ҳақинг кетмайди. Ҳаёт билмаганларимни жуда барвақт, одамларни борида, вақтида қадрлашни ўргатди. Сенга ҳозир билинмас, негаки жудолик нималигини билмайсан. Агар ўша азиятларни тотмаганимда бахту бахтсизликнинг фарқига бормаи, танитқ қизлардек бориға қаноат этмай, гофиликда ўтиб кетаримид... Саъдий Шерозийнинг: "Оёғи асалга илинган пашша" деган гапи бор. Бахтсизларни ўша пашшага ўхшатаман. Пўёки бор бахт хумча тубидаги асалда. Хумча гирдидаги ширага ҳам тўймай, нафиси қақалақ отади-ла, ўзини асалга уради. Охири, ўша асалга гарқоб бўлади. Менинг тушунчам шунанга, ўртоқжон. Сезаятман, гапларимдан кўнглинг тўлмади. Лекин нима қилай...

Нозикнинг жуссаси нозиклиги аниқ эдию, қалби бақувватлигидан беҳабар эканман. Бир шоир нақ ўттиз уш йил аввалги шеърида, бахт ўзини айтишдан иймангани, бирорва оғир ботмасикан, деб минг истиҳода қилганини ёзганди. Балки Нозик ҳам тўқис айтишга уялгандир. Билмадим-ов! Буниси учинчис бўлди...

Бир аёлни танийман. Ёши элликлан ошган. Қорамгаздан келган, бўйи ўртача, қарашлари мулоийм. Кулганида ажинлари тўп-тўп бўлиб қолади. Овози-чи, майинлигидан эриб кетасан. Ҳов фалончиган, ҳой фалончидой, гурунг беринг-а, деганида суҳбатига кўнглинг суст кетади. Бўйин умуртқаси синиб, бир ўйлиман қолганида, камига роппа-роса икки йил тўшакка миҳланганида ҳам зорланганини, кечмишидан ёзгирганини эшитмапман. "Бахт-да, ўргилай, бахт! Бундан ёмони бўлмаганига шукр-ай!" дея дардини ентганди. Оиласидаги қўйди-чиқди гапларга парво қилмай, кулиб яшарди.

— Боғ қилмоқчиман, — деди кунларнинг бирида ола гап орасида. — Боғимда ҳамма мевалар бўлади. Шири бойлаб, торс-торс ёрилганларини маҳаллага тарқатаман, кейин бошқаларга ҳолдани бир четига райҳону жамбил, ўсма, хина, қалампирмунчоқ экаман. Қақилдоқ қизчалар келса, ўсмаларни сиқиб-сиқиб қошчаларига қўяман, ашула айттизиб, шеърларини эшитаман. Шу-да асл бахт! Бундан кўпи керак эмас?!

Опага дард тузуккина ёпишибди-да, гаплари ғалати, деган сўзизча уй ўтганди ҳаёллимдан. Кейин бундан қизардим. Турмушининг ширин-ачтинини яхшигина тотган, метиндек қаттиқ шаҳарда кизгизганина сунийи яшаётган опага бундан зиёд бахт керак эмаскан, асли.

Агар бахт шомойилининг рўйхати ҳазилакам тузилса, ростакамизга санокан адашмики, бахту бахтсизликнинг рангалари ҳам оқу қорадан нарига ўтмаса. Бундай бўлмаган! Эҳтимол, пойгага мензалагучи ҳаётнинг маъносини шундодир. Агар ўша рангалар узоқдан туриб кўзимизни қувнатмаса, товляниб, тусляниб ўзига чорламаса, яшашигга кизиги қолмасмиди?! Яна ким йиладю... Бахт ҳақидаги тасаввурларим эса ҳануз садпора. Йўлкаларда уқаланиб, бўлакларим ёттибди. Эҳтимол, вақти-соати келишини, кимдир бутлашини кутиб ўтирган-дир...

Чарос УМИДЖОН ҚИЗИ

# МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

## 2017/2018 ўқув йили учун бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БАКАЛАВРИЯТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
5111300	Она тили ва адабиёт (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда)
5111400	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:
	инглиз тили
	немис тили
	француз тили
	рус тили
5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)
5120400	Археология
5120500	Фалсафа
5130100	Математика
5130200	Амалий математика ва информатика
5140100	Биология (турлари бўйича)
5140200	Физика
5140300	Механика
5140400	Астрономия
5140500	Кимё
5140600	География
5140700	Гидрометеорология
5140800	Геология
5140900	Геофизика
5141000	Тупроқшунослик
5141100	Гидрология (тармоқлар бўйича)
5210100	Социология
5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)
5220100	Журналистика (фаолият турлари бўйича)
5220300	Архившунослик
5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5231700	Кадрлар менежменти
5311500	Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича)
5330100	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти
5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5330300	Ахборот хавфсизлиги (соҳалар бўйича)
5520100	Ижтимоий иш (оила ва болалар билан ишлаш)
5520101	Ижтимоий иш (пенсия таъминоти)
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ	
5A111601	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари)
5A120101	Адабиётшунослик (рус адабиёти)
5A120102	Лингвистика:
	рус тили
	инглиз тили
	француз тили
	немис тили
5A120301	Ўзбекистон тарихи
5A120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
5A120303	Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият тури бўйича)
5A120304	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича)
5A120401	Археология
5A120402	Этнография, этнология ва антропология
5A120501	Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича)
5A120502	Фалсафа (қўллаш соҳаси)
5A120503	Этика ва эстетика
5A120504	Онтология, гносеология ва логика
5A130101	Математика (йўналишлар бўйича)
5A130102	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
5A130103	Дифференциал тенгламалар ва математик физика
5A130201	Математик моделлаштириш ва сонли усуллар
5A130202	Амалий математика ва ахборот технологиялари
5A140101	Биология (фан йўналиши бўйича)
5A140102	Микробиология ва вирусология
5A140103	Ихтиология ва гидробиология
5A140104	Биотехнология
5A140105	Биофизика
5A140106	Биокимё
5A140107	Генетика
5A140201	Назарий физика
5A140202	Физика (йўналишлар бўйича)
5A140203	Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш
5A140204	Конденсацияланган муҳитлар физикаси ва материалшунослик (турлари бўйича)
5A140205	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси, тезлаштирувчи техника
5A140301	Назарий механика
5A140401	Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича)
5A140501	Кимё (фан йўналиши бўйича)
5A140502	Материаллар ва моддалар кимёси (материаллар бўйича)
5A140503	Нефть ва газ кимёси ва технологияси
5A140602	География (ўрганиш объекти бўйича)
5A140701	Метеорология, иқлимшунослик, метеорология (фаолият турлари бўйича)
5A140702	Гидрометеорология (фаолият турлари бўйича)
5A140801	Умумий ва ҳудудий геология (фанлар йўналишлари бўйича)
5A140803	Геокимё, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геокимёвий усуллари
5A140804	Минералогия, кристаллография, петрография
5A140806	Геологик съёмка ва фойдали қазилмалар конларини қидириш
5A140901	Геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари
5A140902	Сейсмология ва сейсмометрия
5A141001	Тупроқшунослик (тадқиқот тури бўйича)
5A141002	Экспериментал агрокимё
5A141102	Гидрогеология (ўрганиш объекти бўйича)
5A210102	Социология (йўналишлар бўйича)
5A210102	Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги
5A210201	Психология (фаолият турлари бўйича)
5A220101	Журналистика (фаолият турлари бўйича)
5A220101	Олий журналистика курслари
5A220103	Телевидение ва радиозиттириш
5A220104	Ноширлик иши ва муҳаррирлик
5A220105	Ахборот хизматлари технологияси (фаолият турлари бўйича)
5A220301	Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик
5A230102	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5A311502	Геодезия ва картография (функциялари бўйича)
5A311701	Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича)
5A330101	Ахборот тизимларининг математик ва дастурий таъминоти (фойдаланиш тури бўйича)
5A330204	Ахборот тизимлари (тармоқлар бўйича)
5A330301	Криптография ва криптоанализ (йўналишлари бўйича)
5A330302	Ахборот хавфсизлиги (йўналишлари бўйича)
5A520101	Ижтимоий иш (соҳа ва фаолият турлари бўйича)
5A630102	Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Ҳужжатлар жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Университет манзили: Тошкент шаҳри,

Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси.

Телефонлар:  
(0371) 246-08-94,  
246-02-24.



2017-yil 14-iyun, № 47 (9008)

# Маънолар ёғилар оҳангларида

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоғай Мурод асарлари кириб бормаган хонадон юртимизда топилмас керак. Адибнинг қисса ва ҳикояларини ўқиган китобхон Сурхон воҳасининг мард ва келгегель кишилари даврасига бориб қолгандек ҳис этади ўзини. Ёзувчининг асарлари ёш танламайди, ким ўқиса, олам-олам маъно топади. Ҳаёт қандай бўлса шундай кўрсатилади, содда ва самимий тасвирлар ўқувчини худди оҳанрабодек ўзига тортади. 6-синф адабиёт дарслигига адибнинг "Юлдузлар мангу ёнади" асаридан парча киритилган. Соф миллий характердаги асар ўқувчиларда миллий гурур, ор-номус туйғусини тарбиялайди.



Истеъдодли адиб Тоғай Мурод ўз асарларида персонаж нутқи, монолог ва диалог, турли ҳолатлар, муайян кечинмаларни жонли, ҳаққоний ифодалашга интилади. Инсон ҳаётини барча мураккабликлари билан тасвирлаш осон эмас. Образ руҳияти, ҳолатини аниқ-равшан ифодалашда, асослашда ёзувчи зарур ибора, сўзни қўллаши лозим. Тоғай Мурод насрида мисралар маъно кўламдорлиги, фикрлар мантикий изчиллиги, ифоданинг қисқа ва лўндалиги, жумлалар жанрдоғлиги эътиборни тортади. Адиб ўқувчига туйғуларини ҳис қилдиришга эришади, бунга мувофиқ оҳангни ҳам топа олади. Мана бу монологда ҳам фалсафий теранлик, ритмда кўтарилш мавжуд:

*"Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий аънавлари билан халқ!"*

*Кўп урф-одатларимизни бировлар... бировлар ўзиники қилиб олди! Биз қўлимизни бурнимизга тикиб қолдик.*

*Шундай кета берсак, ҳадемай ўзимизни-да бой бериб кўямиз!"*

Мазкур сатрларда қаҳрамоннинг ич-ичидан ёниб айтган дил сўзлари ўз ифодасини топган. Жумлада сўроқ-таъкид оҳанги, "халқ" сўзига урғу берилиб, кейинги мисраларда таъкид кучайтирилади, мантикий урғу моҳиятини чуқур англашга, фикрни бир нуқтага жамлашга хизмат қилади. Талаффуз жараёнида ачиниш, афсус-надомат пауза (бу ерда кўп нуқта) воситасида ифодаланган, "... бировлар ўзиники қилиб олди", дея яна таъкид кучайтирилгани маълум бўлади. Сўнги сатрда хавотир хисси яққол сезилади, - да юкламаси (ўзимизни-да) нафақат қайта таъкидлайди, балки персонаж қалбидаги оғриқни ҳис қилишга ундайди. Ўзликни бой бермаслик, уни асраш ҳақида мулоҳаза билдирилган экан, сабаб-натижалари кўрсатилиши керак. Адиб тасвирларига завқ-шавқ, кучли ҳаяжон ёки тушун ҳолатларни ёрқин акс эттирувчи бундай жонли манзаралар мўл. Шу-

нинг учун ҳам Тоғай Мурод асарларини ўқиганда китобхон зерикмайди, қаҳрамонлар билан дилдан суҳбатлашгандек, дардлашгандек бўлади.

Ёзувчи сарлавҳа орқали асарда ёритиладиган мавзу, ифодаланадиган ўй-ҳис, қарашларини ўқувчига илинади, шу тариқа адиб ва китобхон ўртасида ўзаро яқинлик вужудга келади. Асар номига эътибор қаратсак: "Юлдузлар мангу ёнади". Бир қарашда само кўрки, митти бўлса-да ёрқинлиги билан нигоҳга ташланувчи осмон жисмига таъриф берилаётгандек туюлади. Лекин сарлавҳада, асосан, рамз орқали моҳият англашилшига аҳамият берсак, ўзгача талқин юзга келади. Кундалик турмушда ҳар бир инсоннинг ўз йулдузи бор, у тирик, ҳаёт экан, юлдузи ёнади, деган гапни кўп бор эшитганмиз. Юлдуз ёниши ва сўниши — умрга ишора. Сарлавҳада "мангу" сўзига урғу берилиши, масалага ойдинлик киритади. "Мангу" — абадиятга дахлдорлик. Юлдуз мангу ёниши — барҳаётлик, давомийлик, барқарорлик ифодаси сифатида китобхон тасаввурига муҳрланади.

Тоғай Мурод асар ибтидосида илк жумлага жиддий эътибор қаратадиган адиблардан. Ёзувчи таркиб ва ритмни моҳирона улаб, чаштириб юбора олган санъаткор. "Юлдузлар мангу ёнади"даги биринчи жумла халқ тилида айтиладиган чорлов билан бошланади. Унда ҳабардан кўра мусликий оҳанг кучли. Ўзбеккона аънава, қадрият илк сатрданок ўқувчини ўзига тамоман боғлаб олади:

*"Одамлару одамлар, тоғда битган бодомлар, эшитмадиган деманглар! Бугун ҳа-а-амма Зулфикор полвонниқига суннат тўйига, ҳе-э-эй! Чў, жонивор!"*

Сатр оҳанги, сўзларнинг чўзиқ талаффуз этилиши китобхонга кўтаринки кайфият беради. Бу жумла тоғу тошлар кенглигини, қисса ва унинг қаҳрамонлари руҳидаги мардликни аниқ кўрсатади. Жарчи чорловидан сўнг ровий (ҳикоячи) ўқувчини ўзбек хонадонидидаги тўй



маросимини томоша қилишга ундайди. Қисқа эпик ривоят берилади-да, кураш давраси саҳна кўришига улаб юборилади. Тўйнинг қизиқ палласи (полвонларнинг кураш тушиши) асосий мақсад сари қўйилган қадам. Даврага Бўри полвоннинг баковуллик қилиши — бош қаҳрамон саҳнада роль ўйнашига тайёргарлик кўрилади.

*"Даврадаги Бўри полвон сўзим: тарафқашлик, фирромлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймайман".* Шу тарзда кўҳна ва навқирон ўзбек курашидаги адолат мезони эслатиб ўтилгандек бўлади. Бўри полвон даврага кўз югуртириб, болаликдаги дўсти Насимни учратади. Бўри полвон билан Насим орасидаги дўстлик ришталари аллақачон узилган эди. Вақти келиб, бир даврада собиқ дўстлар ўзаро кураш тушишига тўғри келади. Шунда кўзлар тўқнашади:

*"Уша маъносиз кўзлар, ўша без кўзлар Бўри полвон учун қанчалик жирканчли бўлса, шунчалик қадрдон-да эди".* Бу ўринда "ўша" аниқловчи бу икки полвон аввалдан таниш эканига ишора беради, "маъносиз, без" сўзлари Насим илатини фош қилади, "қанчалик" — жирканиш ё мойиллик даражаси қучлигини кўрсатади. Қаҳрамон ички оламидаги зиддият ифодаси кўзга ташланади. Муаллиф қаҳрамон руҳиятини кураш майдони ҳамда хотиралари уйғунлигида ёритиб бораверади. Унинг асосий мақсади ор-номус, гурурни мадҳ этишдан иборат бўлса-да, ўз нуқтаи назарини китобхонга аён қилмайди, холис туради. Бу гоёни образлар ҳолатида англатиш — адибнинг бош мақсади. Спорт мураббийи Максим полвонга қарши чиқишга ҳеч қайси полвоннинг юраги чопмасди. Шунда соқоли оппоқ кекса Нормурод полвон даврага отилиб чиқади, тасвирда шиддатли ритм кузатилади. Уни шаштидан қайтармоқчи бўлганларида тагин даврага талпинида:

*"Нормурод полвоннинг кўзи очик бўп туриб, унинг эли ерга қарайдимми? — деди. — Ушлманг мени, полвон бова, ушлманг! Э, ерга киргизиб юборсаям, чиқаман!".* Аҳамият беринг, полвон учун гурур, орият ҳар қандай ёшда ёки вазиятда барқасидан устун. Персонаж нутқидаги кескинлик, сўзлаш оҳанги ботинидаги галаёни ёрқин ифодалаган. "Полвоннинг кўзи очик бўп туриб", "эли ерга қарайдимми" — айна шу маъно нукталари асосий муносабат, ёндашувнинг илдиизи, туб негизидир. Ёзувчи бир полвон ҳаёти мисолида юрт фарзандлари қиёфасини изчил ва аниқ чизишга интилади.



## Mutolaa

Полвон ким билан, қандай даврада кураш тушмасин, фақат галабани мақсад қилган, бор куч-қуввати, иродаси билан интилган. Маълубият унга ўлим билан баробар.

*"Оқибат... Бўри полвон... Полвон номини олгандан кўбей умрида биринчи марта елкаси ер кўрди!"*

*Қандай йиқилди, ўзи-да билмади!*

*Кўзларини очса... осмон тўла юлдуз бўлди!"*

Тасвирдаги жумлалар қурилиши қаҳрамон руҳий ҳолатини равшан ифодалайди. Паузалар ифода кучини ошириб, ундов белгилари таъкидни кучайтиради. Ўзини юлдуз ҳисоблашиш полвон йиқилиши, осмондан ерга тушишини ҳеч қанақасига ҳазм қилолмайди, сигдирилмайди. "Полвон" эса бош ҳарф билан ёзилади, бу даражада осонлик билан эришилмаган, у оддий полвон эмас, зўр полвон, халқ назарига тушган, истеъдодли билан эъзозга лойиқ инсон. У — юлдуз, чўққидан узоқлашиши мумкин эмас.

Давраларда кураш ҳақида суҳбат кетгудек бўлса, диалог воситасида муаллиф дарди ҳам юзга қалқиб чиқади, у кураш санъатини жаҳон тан олишини жуда-жуда истайди:

*"— Сиз айтинг, нега энди бир ланж классик кураш бутун жаҳон спорти бўлади-ю, ўзимизнинг олишни фақат тўйда ё "ҳосил байрамида" кўраимиз? Ё олишимиз спорт эмасми?"*

*— Спорт ҳам гапми, санъат! Қўрярсизми, Тиловбердининг ўйнаб олишувини."*

Бўри полвон ўғли Тиловбердини ҳам давраларда курашга чиқаради. Курашда Тиловберди зафар қозонолмаса-да, дўсту душманга ўз давомчиси, авлоди борлигини, бошқа томондан даврани совутмасдан, халқ эъзозлаган миллий аънавалар барҳаётлигини кўрсатиш зарур. Муаллиф ўзлик, миллий гурурни кураш талқинида ёритади. Асардаги маънолар жамланмаси таркиб яхлитлигига хизмат қилади. Қаҳрамоннинг ор-номус учун кураши — эл гурури, ифтихори, ўзликни тан олиш, эҳтиёт қилишга ишорадир. Муаллиф асарни персонажнинг жўшқин нутқи билан яқунлайди, у шунчаки нутқ эмас, ишонч, қатъият билан айтилган дангал хулосадир: *"Юлдузим ҳали ёнади! Давраларим ҳали давом этади! Юлдузим мангу ёнади!"*. Асардаги кўтаринкилик китобхонни сўнгги саҳифага тарк этмайди.

Тоғай Мурод ушбу қиссасида инсон фикратидаги эътиқод, дённат, ориятни юксак қадрлайди. Адиб кичик лаҳза ё кўриниш орқали ўқувчи тасаввурда яхлит воқеликни жамлаб кўрсатишга, жонлантиришга эришади. Муаллиф қисса жанрини танлаганда, ифода имконияти, тасвир предмети ёритилиши, ўқувчига таъсир кўрсатиш (қабул қилиниши) даражасини аввалдан эътиборга олиб, шу нуқтаи назардан иш юритади.

Инсон тафаккури, қалбига бевоисита сўз, калом орқали таъсир қилинади. Адабиёт эса сўз кудратини тўлиқ намоён этади. Бадиий тўйинтирилган сўз моҳияти асарни ўқиш, ўзлаштириш асосида англаб борилади. Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятга садоқат руҳида тарбиялашда мазкур қиссанинг ўрни беқиёс.

Умида РАСУЛОВА,  
Алишер Навоий номидаги  
ТДўТАУ доценти

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2017/2018 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**



**Ҳужжатлар 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 4-уй (собиқ Решетов кўчаси)  
Тел: (+99895) 144-86-85, (+99895) 195-11-61  
Веб сайт: [www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига топшириладиган ҳужжатлар, қабул квоталари ёки қабулга оид бошқа маълумотларни ижтимоий тармоқлардаги қуйидаги манзиллар орқали ҳам билиб боришингиз мумкин:

Университет расмий Telegram канали:  
**@UZSWLUofficial**

Университет расмий facebook саҳифаси:  
**facebook.com/uzswlu.uz/**

## БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

5111300	Она тили ва адабиёт (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда)
5111400	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз, немис, француз, испан, рус, хитой, япон, корейс тиллари)
5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)
5220100	Журналистика (халқаро журналистика)

## МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ

5A111401	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
5A120101	Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)
5A120102	Лингвистика (инглиз, немис, француз, испан, рус, хитой тиллари)
5A120201	Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича)
5A220101	Журналистика (спорт журналистикаси)
5A220102	Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича)

## ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

2017/2018 ўқув йили учун бакалавриятнинг қуйидаги кундузги таълим йўналишлари ва магистратуранинг қуйидаги мутахассисликлари бўйича абитуриентлардан ҳужжатлар қабулини эълон қилади:

№	Шифр	Бакалаврият таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов-контракт асосида
		Институт бўйича жами:	770	240	530
<i>шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича</i>					
1.	5111000	Касб таълими (автомобиль йўллари, кўприклар, туннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродромлар қурилиши)	75	20	55
2.	5313100	Автомобиль транспорти, йўл-қурилиш машиналари ва жихозларнинг эксплуатацияси	200	60	140
3.	5340600	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича)	150	50	100
4.	5341100	Қиймат инжиниринги	40	15	25
5.	5341400	Автомобиль йўллари, кўприклар, туннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродромларни лойиҳалаш ва қуриш	200	60	140
6.	5341500	Шаҳар йўллари ва кўчалари	25	10	15
7.	5620300	Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)	80	25	55

№	Шифр	Магистратура мутахассисликлари	Жами	Давлат грантлари асосида	Тўлов-контракт асосида
		Институт бўйича жами:	100	43	57
<i>шу жумладан, мутахассисликлар бўйича</i>					
1.	5A340602	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича)	30	13	17
2.	5A313101	Автомобиль транспорти ва йўл қурилиши техникаларининг эксплуатацияси	30	13	17
3.	5A341401	Автомобиль йўллари лойиҳалаш ва қуриш	10	5	5
4.	5A620301	Транспорт логистикаси	10	4	6
5.	5A341402	Кўприклар, туннеллар ва йўл ўтказгичларнинг қурилиши	10	4	6
6.	5A341501	Шаҳар йўллари ва кўчалари	10	4	6

### Эслатма:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 июндаги 209-сонли қарорига асосан 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб абитуриентлардан **ҳужжатлар 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.**

**Тест синовлари эса одатдагидек 1 август куни ўтказилади.**

Қабул комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар таркиби ўзгармаган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй.  
Телефон: (+99871) 233-14-39.  
Қабул ҳайъати.**

Reklama • e'lon

# ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш туғрисида»ги қарорига биноан, жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган ўқув режалари ҳамда дастурларига мувофиқ, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида Тошкент кимё-технология институтида 2017/2018 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул эълон қилади:

## БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Таълим йўналишлари коди	Таълим йўналишлари
5111000	Касб-таълими: озиқ-овқат технологияси
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув (тармоқлар бўйича)
5320300	Технологик машина ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
5321000	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси
5321800	Резинотехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси
5610100	Хизматлар соҳаси (овқатланишни ташкил этиш ва сервис)
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)
5640100	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

## МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ

Мутахассисликлар коди	Мутахассисликлар номи
5A310901	Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (тармоқлар бўйича)
5A310902	Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича)
5A311001	Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
5A320305	Кимёвий саноат ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари ҳамда аппаратлари
5A320306	Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнлари
5A320307	Ёғочга ишлов бериш технологияси ва ёғочшunosлик
5A320401	Ноорганик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5A320402	Органик маҳсулотлар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5A320404	Силикат ва қийин эрийдиган материаллар технологияси
5A320405	Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси (турлари бўйича)
5A320407	Кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари (ишлаб чиқариш тури бўйича)
5A320501	Биотехнология (маҳсулот турлари бўйича)
5A321001	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
5A321003	Озиқ-овқат хавфсизлиги
5A321302	Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси
5A321303	Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва аппаратлари
5A321801	Резинотехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси
5A610101	Хизматлар соҳаси (овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш)
5A630101	Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)

Ҳужжатлар бакалаврият таълим йўналишига жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.

Магистратура мутахассисликлари бўйича эса ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 30 июлигача қабул қилинади.

Институт манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: (0-371) 244-79-18, 244-79-21, 244-36-85



## ХИТОЙ ОСИЁНИ КУЗАТМОҚДА

Хитой биринчи марта ер устида жойлашган станциялар миллий тармоғини омадли синовдан ўтказгани ҳақида «news.xinhuanet.com» манбасида хабар берилди.

Бу станцияларда мутахассислар Хитойнинг барча ҳудуди ва Осие китъасининг 70 фоизини ўз ичига олган улкан ҳудудни кузатиш имконини берувчи сунъий йўлдошлар тармоғини назорат қилади.

Мониторинг натижалари йиғиладиган бош иншоот Хитой пойтахти Пекин шаҳрида жойлашган. Қолган бинолар эса мамлакатнинг шимоли-ғарбий ва жанубий ҳудудларида қад ростлаган. Эътиборлиси, мазкур улкан ҳажмдаги ишни амалга оширувчи кузатув тизимини яратиш учун хитойлик олимлар 10 йилдан буён тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Расмий манбаларнинг мазкур объектлар хусусидаги маълумотига кўра, ушбу тармоқ асосан Хитой Халқ Республикасининг шимоли-ғарбий ва Жанубий Хитой денгизи ҳудудларида ўлчаш ишларини якунига етказиш учун хизмат қилади.

## УМРНИ УЗАЙТИРУВЧИ 4 УНСУР

Швециялик олимлар инсон умрини беvosита узайтириши мумкин бўлган тўрт асосий омилни аниқлагани ҳақида «Journal of Internal Medicine» нашрида илмий мақола эълон қилинди.

«Medical Xpress»да келтирилишича, мутахассислар қариб кетишнинг олдини олувчи, соғлом турмуш тарзининг зарурий унсурлари бўлган — чекишни ташлаш, мунтазам жисмоний фаоллик (ҳафтасига 150 дақиқадан кўпроқ), спиртли ичимликлар ичмаслик ва парҳез, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дармондорилар муvoзанатини таъминлашга эътибор қаратган.

Олимларнинг айтишича, мазкур тўрт омилга амал қилган кишиларнинг ўртача умр кўриши 4,1 ва 4,9 йилга узаяди.

Таърибага 45—83 ёшдаги 33 мингдан зиёд эркак ва 30 минг нафар аёл жалб этилди. Уларнинг ҳаёти, саломатлиги 1998 йилдан бери кузатилади. Эътиборлиси, ўтган йиллар мобайнида ишироқчиларнинг ҳеч бирида саратон касаллиги ёки юрак етишмовчилиги билан боғлиқ хасталиклар аниқланмаган.

Таърибанинг 2014 йилги якуний натижаларига кўра, 8,5 минг эркак ва 6,5 минг аёл ҳаётдан кўз юмган. Улим сабаблари аниқланганда, ҳаёт тарзи ва давомийлиги ўртасида ажойиб уйғунлик сақлангани қайд этилган.

## ИЛК ОНГЛИ ИНСОН ҚАЕРДА ЯШАГАН?

Халқаро палеонтологлар институти олимлари ilk бора инсон, яъни «Homo sapiens» ongi shakllangan жой ва вақтни аниқлашга қайта киришди, деб хабар берди «Nature» журналы ходими.

«Science News» манбасида ёзилган қисқача тафсилотга кўра, мутахассислар айна пайтада Марокаш шаҳри ҳудудидан топилган, фанга маълум бўлган «Homo sapiens»га тегишли манбаларни қайтадан тадқиқ этмоқда. Уларнинг фикрича, онгли одамлар дастлаб, бундан 300 минг йил олдин Африканинг шимоли-ғарбида яшаган.

Олимлар бош мия чаногининг 22 қисмини, жағлар, тишлар, оёқ ва кўлларни ўрганиб, унинг бола тана аъзоси эканини аниқлаган. Марокашдан топилган «Homo sapiens»га тегишли маълумотлар, яъни бош сунягининг орқа қисми ва тишларнинг ҳажми катталиги жиҳатдан бола устихонидан фарқланади. У ҳудди неандертал одамларни эслатади.

Авалроқ, ҳозирги Эфиопия ҳудудидан топилган «Homo sapiens» қолдиқлари дастлабки онгли мавжудот дея ҳисобланган ва унинг бундан 200 минг йил илгари ашагани айтилганди.

Экспертларни эса айна кез неандертал ва кроманьон(қадимги «Homo sapiens»)лар қачон, қаерда ва қай тариқа пайдо бўлганини қизиқтирмоқда.

## ЁШАРТИРУВЧИ БЎЁҚ КАШФ ЭТИЛДИ

Америкалик биологлар юзни ёшартириш, ажинларни йўқотиш учун фойдаланиладиган, нархи арзон метилени кўк бўёқ яратгани ҳақида «Scientific Reports» журналида маълумот берилди.

Ушбу бўёқ одамларни ёш кўрсатибгина қолмай, балки инсон териси ҳужайраларининг қаришини, деградация жараёнларини секинлаштиради.

Шунингдек, ушбу бўёқ тўрт ҳафта давомида суртилса, наслик касаллик билан кам оғриган беморлар учун бутунлай соғайиб кетиш ва бошқа бундай хасталикка дуч келмаслик имконини яратди. Қолаверса, олимлар бўёқлар фибробластлар — коллаген ишлаб чиқарувчи ҳужайралар деградацияси, яъни инкирозини ҳам камайтиришини айтмоқда.

Экспертлар метилени кўк бўёқдан инсонларни ёшартириш ва қаришни секинлаштирувчи энг самарали кремлар ишлаб чиқаришда фойдаланишни тавсия этмоқда.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

# Хаёт ҳақиқати

## Яхшилик боқийдир

Буюк алломалардан бири Хусайн Воиз Кошифий асарларидан бирида шундай сатрлар бор: "Гузёл феъл-атворнинг нишониси ўн нарсадир: биринчиси — яхшилик; иккинчиси — инсофли бўлиш; учинчиси — бошқадан айб қидирмаслик; тўртинчиси — бирор одам ноҳўя ҳаракат қилса, уни яхши йўлга солиш; бешинчиси — бир одам ўз айбига иқдор бўлиб, узр айтса, узрини қабул қилиш; олтинчиси — бошқалар учун машаққатни ўз гарданига олиш; еттинчиси — ўз манфаатини кўзламаслик; саккизинчиси — очик юзли, ширин сўзли бўлиш; тўққизинчиси — муҳтожларнинг ҳожатини чиқариш; ўнинчиси — мулоийм ва тавозели бўлиш". Бундан англашиладики, комилликнинг бош белгиси яхшилик қилишдир.

Бу жуда кенг маънодаги тушунча бўлиб, қолипи йўқ. Ҳеч кимдан ўз ёрдамини дариг тутмаслик, дили озорланган кишига малҳам бўлиш, ота-онаси, жигарлари ҳаққини адо этиш, ўз касби ёки ҳунарини истовчиларга ўргатиш, ҳаттоки, кўчада ётган шох-шабба ёки бошқа нарсани хафв тугдирмаслиги учун четга олиб қўйиш... Санасангиз, адоғи йўқ. Қайси амал бўлмасин, яъни яхшилик мудом олқишланади.

Халқимизда бу эзгу фазилат тўғрисида кўплаб мақол ва ҳикматли сўзлар бор: "Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмасан, Холиқ билар", "Яхшилик қил айтарга ёки бўлмас сақайтарга", "Яхшилик — юзда, ёмонлик — кўзда", "Яхшилик қил, уйинга айтма", "Яхшилик қилмасанг, ёмонлик ҳам қилма", "Яхшиликни ердан сўра, ер билмасан, элдан сўра"...

Табийки, ҳар бир инсон кимгадир яхшилик қилади ёки кимдандир меҳр-мурувват кўрганни умрбод эслаб юради. Яна шу таъкидланадики, кимгадир имконияти даражасида меҳр-мурувват кўрсатган киши ҳеч қачон буни бировга айтиб, миннат қилмаслиги керак, акс ҳолда, савоби камаяди, яъни унутиб юбориш афзал ҳисобланади. Аммо кимдандир яхшилик кўрган киши вақти-вақти билан ўша воқеани эслаб юрса, давраларда айтса, халғи инсонга бунинг ажру савоби тегади.

## Тоҳир Бойманов, фахрий педагог:

— Собиқ Тошкент давлат маданият институтида ўқирдим. Эҳтиёжимизни қоплаш мақсадида тақлиф қилинган тўйларга бориб, хизмат қиламиз. Марҳум ҳофиз Маъмуржон Тўхтаинов билан ҳамкорлигимиз бор. Тошкентнинг қайсидир маҳалласидаги тўйга тақлиф қилиндик. Тантана бошланмасидан аввал ош сузаёт-

ган бир киши гуруҳимизни секингина имлаб чақирдида, "Мен ҳам сизларга ўхшаб хизматдаман. Камини дамлаган ошдан еб олсанглар, тўй бошланса, вақтингиз бўлмайди" деб қолди. Қорнимизни тўқлаб, меҳмону мезбонларга санъатимизни намойиш қилдик. Орадан қанчадир муддат ўтиб, ошпаз — Ҳамидулла ака уйимизга келди. Тўй қилаётган экан, хизматга айтди. Қайтшимизда кўярда-қўймай кўлимга кларнет чолгу асбобини узатди. Мен бунақа мусиқа асбобини чала олмасдим. Ҳамидулла ака кўярда-қўймай нархи анча қиммат бу чолгу асбобини менга совға қилдилар. Шу-шу бу мўйсафид инсон

зиёратига олиб боришинг билан баробардир.

Дарҳақиқат, фарзанднинг ота-онаси ҳаққини адо этмоғи бобода бундай ривоят ва ҳикоятлар кўп. Оллоҳ талонинг охирги ва мукамал дини, киёматгача боқий қолувчи, инсониятга икки дунё саодатини кўрсатиб берувчи исломда ота-она кўнглини шод айлашга алоҳида эътибор берилади. Куръони каримнинг "Исро" сурасида айтиладики: "Агар хузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга "уфр" дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт" (23-оят).

Албатта, ҳар бир оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг турлича кўринишларини кўзатишимиз. Бунда йиллар оша авлодларга хос қадрият ва урф-одатлар шаклланади. Бобо, буви, ота-она берган тарбияни фарзандлари ўзлаштириб, оилавий аъёналар қарор топади.

## Зухра Файзиева, фахрий педагог:

— Отам раҳматли 1993 йилнинг 14 январиди вафот этган. Онам у кишидан анча эрта, яъни 54 ёшида бу ёруғ олам билан хайрлашган. Оиламизда 6 нафар қиз, 2 нафар ўғил фарзанд бўлиб, ота-онамнинг қаттиққўллик ва меҳрибонлики меъёрида ушлаб тарбия қилиши натижасида вояга етдик. Жигарларим орасида эрта бева қолганим учунми, ота-онамнинг менга нисбатан эътибори ва гамхўрлиги бошқача эди. Отам кўпинча мени ва фарзандларимни йўқлаб келар, кўлларида доим тўрва-тўрва совға-салом бўларди. Қари ҳолига қизининг рўзгорини бутлай деб егуликми, ичкиликми, рўзгор буюмими кўтариб келганидан хижолат чекардим. Қизим Зиёда кўнглини олиш учун тансиқ таомлар пишириб берганини отам раҳматли оғзидан бол томиб мақтарди. Музқаймоқни севиб истеъмол қиларди. Падари бузрукворимни, онам раҳматлини тириклигида қадрлаб, ҳурматини жойига қўйишга интилангиз. Улар туғилган ва вафот этган саналарда фарзандлар йиғилиб, ёдга оламиз. Гап-сўзлари, панд-насихатларини эслаймиз. Йид Рамазон ва Курбон ҳайити арафасида ҳаммамиз жам бўлиб, марҳум ота-оналаримиз, жигарларимиз руҳи покларига бағишлаб, Куръон тиловат қиламиз...

**Бундай воқеалар ҳар бир инсон тақдирида учрайди, кимнинг қандай қабул қилиши ва қўллаши ўз маънавий қиёфасига боғлиқ. Ҳар қандай вазиятда тўғри йўлни танлаш, оқилона қарор қабул қилиш ҳар бир кишига икки дунё саодатини беради.**

Хулқар ТҶИМАНОВА,  
"Ma'rifat" муҳбири

## Ruhyat manzaralari

билан қадрдон бўлиб кетдик... Биз талабаларни Сирдарё вилоятига пахта теримига олиб кетишди. Дўстларимдан бири мени кимдир йўқлаб келганини айтиши билан шийпондан югуриб чиқдим. Қарасам, қадрдоним Ҳамидулла ака, кўриб бошим кўкка етган. Отаҳоннинг кўлида тўрва, оғиргина. Нима топса, шуни келтирибди. Ҳаттоки, бир гал касалхонага ҳам йўқлаб боргани эсимда. Кейинчалик Ҳамидулла ака билан алоқамиз анча узилди. Аммо мен бу инсондан кўрган яхшиликларимни умрим мобайнида эслаб юраман.

## Ота-онамизни рози қилдикми?

Ривоят қилишларича, бир йигит волидаи муҳтарамасига "Онаҳон, мен сизни елкамда кўтариб, узоқларга олиб бораман", дебди. Кўп ўтмай айтганини қилиб, онасини опичлаб, йўлга отлаибди. Йўл юрса ҳам, мўл юрибди. Кўп манзиллар ортда қолиб, суви тўлқинланиб турган дарёга дуч келибди. Унга рўпара келиб қолган балиқчи ҳайрон эмиш — онасини кўтариб олган бу йигит қаёққа отланаётган экан?

— Акажон, бизни дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиб қўйинг! — дея ёлворибди йигит.

— Сир бўлмасан, қаёққа кетаяпсизлар? — ажабланиб сўрабди балиқчи.

— Онамни Маккаи мунаварага олиб кетяпман. Бир киши менга онамни Макка зиёратига олиб боришим кераклигини айтди. Бу ишни уддаласам, бутун гуноҳларимдан фориг бўлар эканман.

— Содда ва гўл йигитнинг жавобини тинглаб турган балиқчига бу ҳолат эриш туюлибди.

— Эй, нодон дўстим, овор бўлишингга не ҳожа? Яхшиши туну кун онангнинг хизматини қил, дуосини ол. Шундай қилсанг, гуноҳларинг ювилади. Бу уни Ҳаж

Яхшига қўшилган кишилар яхшилик томонга юрадилар, шунинг учун сен олим, фозил, доно ва билимдон кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, уларнинг суҳбати кишининг дил ойнасидан ҳирс, таъма ва бахиллик губорини супуриб ташлайди.

**Софдиллик, хушхулқлик бўлар ҳаммаси, Билгинки, одобнинг берган меваси!**

Бархурдор ибн МАҲМУД

\*\*\*

Луқмони Ҳаким ўз ўғлига деди:

— Эй ўғлим, қилган хатоларингни ўлгунигча кўз ўнгингда тут! Аммо қилган яхшиликларингни кўз олдиндан нари қил!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

\*\*\*

Ҳакимлар айтмишлар: "Яхшиликнинг асоси уч нарсадир. Биринчи — барчага нисбатан риёсиз каттарликда; иккинчи — миннатсиз саховатда; учинчи — ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда. Одамлар тўрт нарсани қидирмасликка иложсиздирлар. Биринчи — яхшилик ва ёмонликни ажратишга ёрдам берадиган илмни; иккинчи — тирикчилик ўтказишга керак бўладиган асбоб-анжомларни; учинчи — кайфиятни яхши тутадиган воситаларни; тўртинчи — одамлар билан мurosани. Буқрот ҳаким айтган эди: "Ортиқча ши-

# Чинни коса қачон садо қиладир...

рин бўлмагинки, еб юбормасинлар ва ортиқча аччиқ бўлмагинки, туфлаб ташламасинлар".

\*\*\*

Бир куни Бузургмехрдан: "Сўзлаш яхшими ёки сукутми?" деб сўрадилар. У эса: "Сўзлаш!" деб жавоб берди. Ундан: "Нега бўлмасан ўтмиш ҳакимлари доимо аксини айтиб келдилар?" деб сўради. Бузургмехр: "Сўзлаш афзал деганимнинг маъноси шуки, агар бу восита бўлмаганда эди, сукутдаги беқиёс хислатлар очилмай қоларди!" деб жавоб берди.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

\*\*\*

Келтиришларича, Анушервон замонасида икки киши бор эди. Бу икки киши Анушервон ташкил этган ўтиришларда ҳозир бўлар эдилар. Бир куни ўтиришда улардан бири балинд овозда кўйидаги байтни ўқиди:

**Яхшилигим қайтсин десанг сен,**

**Яхшилик қил, яхши ўй ўйла!**

Иккинчиси эса кўйидаги байтни ўқиди:

**Ёмонлигим қайтмасин десанг,**

**Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма.**

Бу байтлар Анушервонга ёқиб қолди. У биринчи байтни ўқиган кишига минг дирҳам ва иккинчи байтни ўқиганга беш юз дирҳам бериб юборишни тайинлади. Ҳозир бўлганлардан бири Анушервондан:

— Эй одил амир, уларнинг байтлари битта маънога эга, нега тухфани икки хил бердинг? — деб сўради. Анушервон унга шундай деди:

— Сўзлашда тафовут катта, биринчисининг сўзи бошдан-оёқ яхшилик ҳақида бўлди, иккинчисиники эса фақат ёмонликни эслатди. Яхши гап ҳам ёмоннинг оғзидан ёмон бўлиб чиқади, кимнинг юрагида яхшилик бўлса, доимо яхшиликка зикр қилади, ёмон кишилар эса ёмонликдан гапирдилар. Байт:

**Чинни коса қачон садо қиладир,**

**Ўз сифати мадҳин адо қиладир!**

\*\*\*

Эй фарзанд, сен панду насихатларга кулоқ солсанг ва улардан ибрат олсанг, яхшилаб амал қилсанг, дилинг доимо шод бўлади, кундан-кунга ўсаверасан! Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг олдида бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсалардан сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, ўша чўпонман, — жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони Ҳаким унга:

— Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилик қилишдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлгон сўзламасликдан, беҳуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзини барчадан кам олишдан! — деб жавоб берди.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ

("Машиқзамин ҳикмат бўстони" китобидан.)

# ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

## 2017/2018 ўқув йили учун бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул эълон қилади

### БАКАЛАВРИЯТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

№	Шифр	Таълим йўналишларининг номи	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
				Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
					Ўзбек	Рус		Ўзбек	Рус
			245	85	78	7	160	147	13
1.	5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	50	15	15	-	35	35	-
2.	5120300	Тарих (Исломи тарихи ва манбашунослиги)	40	15	12	3	25	18	7
3.	5120600	Диншунослик	50	20	16	4	30	24	6
4.	5210201	Психология (дин социопсихологияси)	40	15	15	-	25	25	-
5.	5231100	Жаҳон иқтисодий ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)	25	5	5	-	20	20	-
6.	5330200	Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	40	15	15	-	25	25	-


### МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ

№	Шифр	Мутахассислик номи	Шундан		Жами
			Грант	Контракт	
1.	5A120302	Тарих (Исломи цивилизацияси)	1	3	4
2.	5A120304	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари	1	3	4
3.	5A120601	Исломи тарихи ва манбашунослиги	2	2	4
4.	5A120602	Диншунослик	2	6	8
5.	5A210201	Психология (Дин социопсихологияси)	-	5	5
6.	5A231001	Хорижий мамлакатлар иқтисодий ва мамлакатшунослик	-	2	2
7.	5A231102	Ташқи иқтисодий фаолият	-	3	3
<b>Жами</b>					<b>30</b>

Қабул комиссияси абитуриентлардан ҳужжатларни бакалаврият таълим йўналишларига 15 июндан 15 июлгача магистратура мутахассисликларига 30 июндан 30 июлгача қабул қилади.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.  
Маълумот учун телефон: 244-95-99. www.tiu.uz. сайтида.  
**Хизматлар лицензияланган.**

*Ҳурматли абитуриентлар!  
Барчангизга омад тилаймиз!*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуш моддий шароитларини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 409-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2017-2018 ўқув йилида 1-синфга борадиган ўқувчилар ва яқка тартибда уйда таълим оладиган болалар учун ўқув қуроллари тўпламларини харид қилиш учун қайта тендер савдолари ўтказди.

**Тендер савдоларида ғолиб чиққан корхона ва ташкилотлар РЎИХАТИ**

**ДАФТАР (12 ғарақ)**  
1. "SANO STANDART" МСНУ

**РАСМ ДАФТАР (12 ғарақ)**  
1. "SANO STANDART" МСНУ

**РАНГЛИ ҚОҒОЗ ТўПЛАМИ**  
1. "SANO STANDART" МСНУ

**ПЕНАЛ**  
1. "DIPPLASTUZ" МСНУ

## Тинч ва осуда ҳаёт посбонлари

диплом ва ҳарбий унвон билан мустақил ҳаётга йўл олди

**Жорий йилнинг 11 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлари вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтининг битирувчиларга диплом топшириш ва ҳарбий унвон беришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

Унда мазкур таълим муассасасида 5 йил таҳсил олган курсантларга олий маълумот тўғрисидаги дипломлар топширилди. Муҳими, битирувчиларга ички ишлар органларида хизмат қилиш учун йўлланма берилди.

Тадбирда Ички ишлар вазири А.Азизов, институт бошлиғи А.Қўлдошев ва бошқалар мамлакатимизда ички ишлар органлари учун маълумоти кадрлар тайёрлашда Ёнғин хавфсизлиги институтининг муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга ёнғин хавфсизлиги муҳандиси мутахассислиги берилиб, мустақил хизматга йўлланма берилганлигини, ушбу қувончли дамлар барчанинг хотирасида бир умрга муҳрланишини ҳамда ёнғин хавфсизлиги тизимининг хизмат қилиш ҳар бир эришган учун шарафли касб эканини таъкидлаб, барча битирувчиларни лейтенант ҳарбий унвони билан табриқлади.

Президентимизнинг шу йил 23 майдаги «Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»



ги қарорига асосан давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш мақсадида институтда «Ёнғин хавфсизлиги» ва «Техносфера хавфсизлиги» мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрлаш, соҳа учун раҳбар кадрларни ўқитиш тизимининг жорий этиш каби вазифалар белгиланди.

Чиндан ҳам, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, машаққатли меҳнати эвазига эришилган моддий бойликларни, энг муҳими, инсонлар ҳаётини «тилсиз ёв» исканжасидан асраш, қўтқариш соҳа ходимларидан улкан масъулият талаб этади.

Ишонимизки, ёнғин хавфсизлиги муҳандиси мутахассислиги бўйича зарурий билим ва кўникмаларни пухта эгаллаган, жисмонан бақувват, юқори касбий тайёргарликка эга, мард ва жасур ўғлонлар бил-

дирилган юксак ишончни оқлаб, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлади.

Тадбирда сўзга чиққан битирувчилар ўз миннатдорлигини изҳор этди.

— Бугун биз, ёш офицерларнинг қувончимиз чексиз, — дейди битирувчи Элёрбек Раҳимов. — Бизни вояга етказган ота-онамизга, таълим-тарбия берган устозларимизга, барча шарт-шароитларни яратиб берган Президентимизга самимий миннатдорлигимизни билдирамыз. Хизмат фаолиятимизда халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини асраш, эл-юртимизнинг моддий бойликларини ҳимоя қилиш йўлида бор қуч ва имкониятимизни ишга соламыз.

**Ҳамидулло НУРМАТХҲАЕВ,**  
майор,  
**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,** катта лейтенант



## ЯНГИ БОҒ, ЧА ДИЗАЙН

*Ёзги таътилда болажонларнинг энг сеvimли маскани соғломлаштириш ором-гоҳларию маданият ва истироҳат боғлари ҳисобланади. Айни ёзнинг жазира-ма кунларида Мирзо Улугбек туманида барпо этилган янги боғ ҳам ўғил-қизларга чексиз хурсандчилик улашди.*

Боғнинг очилиш маросимида сўзга чиққан турли вазирилик ва идоралар мутасаддилари, ёзувчи ва шоирлар, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар ушбу дам олиш масканидаги бежирим дизайнга эга ландшафт, сув ҳавзаси, спорт майдончалари, фаввораю табиат манзаралари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Боққа киришимиз билан кайфиятимиз кўтарилди. Мусаффоликдан танамиз, гўзалликдан дилимиз яйради. Ўриндикдан тортиб фаввораю спорт майдончаларигача ўзгача дизайн ва кўриниш касб этган, — дейди Мирзо Улугбек туманидаги 248-мактаб ўқувчиси Шохнигор Азизова. — Кишига эстетик завқ улашувчи антиқа фавворани пойтахтимизнинг бошқа жойида учратиш мушкул. Бетакрор табиат, мўъжаз оролча, сув ҳавзаси — барча-барчаси юсак дид билан бунёд этилган. Бу ерда атроф-муҳит гўзаллигидан баҳра олиб, спорт билан шугулланиб, соя-салқиндаги қулай ўриндикларда китоб мутолаа қилса бўлади. Қисқаси, боққа кирган киши бир олам таассурот билан чиқиб кетади.

Ҳақиқатан, боғ дизайни ажойиб! Дам олиш маскани нафақат ёшлар, балки нуроний отахон ва онахонларни хордиқ чиқариш учун

чорламоқда. Боғда бадминтон, теннис, футбол, волейбол, йога билан шугулланиш, саломатликни тиклаш мумкин. Очик тренажёр ва велосипед йўлакчасидан одимлаган дам олувчилар енгил тортадилар.

— Боғ дизайн лойиҳаси эко-бионика услубида ишлаб чиқилди, — дейди боғ директори Бахтиёр Саидов. — 12 гектардан иборат дам олиш масканида сокин ва осойишта муҳит, мусаффо ҳаво ва жонли табиат манзарасини яратишга алоҳида эътибор қаратдик. 30 турдаги турли дарахт кўчатлари ўтказилди. Фавворалар "Қурилиш комплакт сервис" МЧЖ ишчилари томонидан бунёд этилди. Сув ҳавзаси соҳиллари, қурилма ва майдончаларни тайёрлашда тош, ёғоч, махсус металл сим каби экологик тоза қурилиш материалларидан фойдаландик. Бошқа маданият ва истироҳат боғларидаги сингари бу ерда турли аргимчоқ ва аттракционлар эмас, балки соғломлаштириш майдончалари барпо этилди.

Махсус экологик архитектура-қурилиш талаблари асосида бунёд этилган мазкур боққа буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилди.

**Ҳасан МҮМИНОВ,**  
"Ma'rifat" муҳбири



Е.ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Ma'rifat

ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Бoш муҳаррир **Abdusamat RAHIMOV**

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Indeks: 149, 150. G-615. Tiraj: 51647.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotihiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92 (faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



9 772010 643009

«Ma'rifat»dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqриз  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Navbatchi muharrir:  
Akmal JUMAMURODOV.  
Navbatchi:  
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.  
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 00.00 Topshirildi — 00.10

123456